БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 242 (18.120). • 20 октябрь 1981 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

Олтмиш йилликка—олтмиш зарбдор ҳафталик

СССР 60

БЕШ ЙИЛЛИК МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ЗАФАРЛАРИМИЗ — ОКТЯБРГА

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигига Чақириқлари республикамиз саноат корхоналари ишчи-хизматчиларини янги зафарларга чорлаб юборди.

⊙ БУХОРО

Бухоро тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси Баҳоргул Болтаевани ҳамкасблари меҳнат галабаси билан қутлашди. У беш йиллиннинг биринчи йили учун қабул қилган социалистик мажбуриятини шараф билан бажарди. Б. Болтаеванинг бундай зафарга эришуви бежиз эмас. Пешқадам йигирувчи меҳнатнинг илғор усулларини пухта ўзлаштириб олган. Тиғиз график асосида ишлайди: нормадаги 3 та машина ўрнига 5 та йигириш машинасини бошқаряпти.

«Беш йиллик программани 3,5 йилда адо этаман!», — илғор йигирувчи Б. Болтаеванинг бугунги аҳди ана шундай.

САМИМИЙ ТАБРИК

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТЛАР ТАШКИЛОТИ IX КОНГРЕССИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ўз сафларида 120 дан ортиқ мамлакат намояндаларини бирлаштирувчи Халқаро журналистлар ташкилоти IX конгрессининг делегатлари ва меҳмонларини самимий табриклайман.

Демократ журналистларнинг IX конгресси — халқаро ҳаётда муҳим сиёсий воқеадир. Конгресс агрессив империалист доиралар кескинликни юмшатишга, халқаро ҳамкорликка ва хавфсизликка қарши шиддатли кураш бошлаб юборган, халқларга мислсиз қуролланиш пойгасини тиқиштираётган, дунёни термоядро фалокатига судраётган бир вазиятда тўпланди.

Ер куррасининг кўпгина мамлакатларида аҳолининг гоят кенг табақалари тинчлик, кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш учун зўр ғайрат билан курашмоқда. Жанговар ва масъулиятли касб соҳиби бўлган журналистлар ўз бурчларини шараф билан бажаришларига, халқларнинг кураши тўғрисидаги ҳақиқатни тарғиб этишларига, бу курашни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ўзларининг бутун кучлари, бутун профессионал тажрибалари ва билимларини халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатлик ишига сарфлайвершларига аминман. Бизнинг замонамизда ер юзида тинчликни сақлаб қолишдан ҳам хаётийроқ вазифа йўқ. Ядро урушининг хавфига, қуролланиш пойгасига қарши ошкора ва астойдил курашиш, уруш ловини ёқувчиларни, қуролланиш пойгаси сиёсатини фош қилиб ташлаш, жамоатчиликни империализмнинг милитаристлик йўлига қарши актив сафарбар этиш муҳимдир.

Барча мамлакатларнинг илғор журналистлари тинчликни, ҳамкорликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Ишда, жаҳон демократик журналистикаси кучларини янада жипслаштиришда сизларга чин кўнгилдан муваффақиятлар тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

КОММУНИСТНИНГ ТЕРИМДАГИ ИБРАТИ

«План 100 бўлди! Яна 20 центнердан пахта териб топширамиз, ялпи ҳосилдорликни 60 центнерга етказамиз!» — Қамаши районидаги «Коммунизм йўли» колхозининг СССР Олий Совети депутати Гулбаҳор Нуриллаева бошлиқ бригадаси аъзолари КПСС Марказий Комитетининг октябрдаги Чақириқлари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг барча меҳнаткашларга Мурожаатидан руҳланиб, ана шундай шиор остида меҳнат қилмоқдалар. Юксак довюр учун курашга коммунист Гулбаҳор Нуриллаева омилкорлик билан етакчилик қилмоқда, у пахта теримини ташкил этишда ҳам, пахтазордаги жасоратли меҳнатда ҳам, одамларга ғамхўрлик қилиб, шу жадал, тиғиз кунларда улар учун барча шароитларни яратишда ҳам партиявий ибрат, коммунистга хос намуна кўрсатмоқда.

Қамаши район партия комитети, кўпчилик бошланғич партия ташкилотлари етиштирилган ҳосилни юбуд қилмай, тез ва сифатли йиғиб-териб олиш учун авж олиб кетган социалистик мусобақада коммунистларнинг авангардлигини, байроқдорлигини таъминлаётир. Терим-транспорт отрядларига коммунистларни тўғри жойлаштириш, уларда муваққат партия группалари тузиб, сиёсий-тарбиявий ишларни шу кун талаби даражасига кўтариш, терим суръати маромига самаралн таъсир кўрсатаётир. Шу кунларда район хўжаликларида 50 дан ортиқ муваққат партия группаси юксак пахта хирмони учун умумхалқ курашинг олдинги маррасида сиёсий-ташкилотчилик ишини олиб бораётир. «Партия XXII съезди», «Марксизм», Ленин номли колхозлар ва «Қорабоғ» совхозидан Норбўта Чорнев, Холман Турсоатов, Жалол Очилов, Норқизил Сафаров, Ойбаҳор Мардонова сингари коммунистлар ўзлари етакчилик қилаётган коллективларда гектаридан 55—60 центнердан «оқ олтин» териб олишдан ибрат намуналарини, шон-шараф ишига бош-қош бўлаётирлар.

Мамлакатга камида 6 миллион тонна Ўзбекистон «оқ олтини»ни армуғон этиш учун авж олиб кетган социалистик мусобақада Тошкент, Бухоро, Сирдарё ва Жиззахнинг коммунист механизаторлари алоҳида ибрат кўрсатаётирлар. Қашқадарё коммунистларининг онлавий экипажлар тузиб, терим агрегатлари қувватидан тўла фойдаланиш юзасидан бошлаган ҳаракатлари Сурхон ва Хоразм воҳасида ҳам, Фарғона ва Зарафшон водийларида ҳам минг-минглаб иқдошлар орттирди. Хирмонга барака киритиб, терим муддатини қисқартириб, улар давлатга сифатли пахта етказиб берилишига катта ҳисса қўшаётирлар.

Коммунистнинг бугун битта иктиёзи, битта ҳуқуқи ва ягона бурчи бор. Бу иктиёз шуки, у ҳамма умумхалқ курашнинг олдинги сафида боради. Бу ҳуқуқ шуки, ўз шахсий намунаси, ишга виждонан муносабатики, бутун кучини, ташкилотчилик салоҳиятини, одамларни ўюштириш қобилиятини ҳар қандай шароитда муваффақиятга эришишга сарфлайди. Ягона бурч шуки, кузнинг ҳозирги ғаниматт кунларида у бутун резервларни, техниканн, ишчи кучларини теримда бир маром — юксак суръатни таъминлаш учун партиявий эътиқод, партиявий эҳтирос ва партиявий ишонч билан сафарбар этишга даъват этилгандир. Бугун шаҳарлик ҳашарчилар сафида саноат корхоналари, олий ўқув юртлари, ташкилот ва муассасаларнинг мингларб коммунистлари ҳам пахтазорга чиқдилар. Уларнинг бурчи фақат этак боғлаб пахта теришдангина иборат эмас. «Оқ олтин» тақдири учун бутун масъулиятни деҳқонлар билан бирга ўз зиммаларига олган шаҳарлик коммунистлар теримда юксак ўюшқоқлик, беқиёс онгли интизом, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам терим суръатини пасайтирмасликдан иборат асосий мақсад йўлида коммунистик қатъият ва ирода намуналарини кўрсатишлари лозим.

Область, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари улкан «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш иши ҳал қилувчи паллага кўтарилган ҳозирги дамларда бутун сиёсий-ташкилотчилик, оммавий-маданий ишларни пахтазорга, теримчилар орасига кўчирмоқлари, партиявий ишимиз арсеналидаги барча воситаларни ҳаракатга келтириб, ҳар бир механизатор, ҳар бир теримчи кунлик графикни бажаришига, пахтазор — бунт занжирининг барча халқаларида иш бир маромда, юксак уюшқоқлик билан боришига эришмоқлари керак. Ҳамма ерда коммунистларнинг авангардлигини, социалистик мусобақада уларнинг партиявий ибрат кўрсатишларини таъминлаш муҳимдир.

Афсуски, «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясига келаётган хатлар, республика матбуот маркази жойлардан олаётган хабарлар ҳосилни йиғиб-териб олиш баъзи жойларда ҳозирги давр талаби даражасида ташкил этилмаётганини кўрсатмоқда. Терим машиналари кўплаб бекор турибқолаётир, уларни пахтазорнинг ўзида ремонт қилиш кўнгилдагидек ташкил этилмаётир, баъзи хўжаликларда уларнинг иш унуми паст. Айрим ҳолларда теримчилар ва ҳашарчиларнинг кунлик иш кўрсаткичи белгиланганидан анча кам бўлмоқда. Фарғона, Андижон, Хоразм, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРнинг баъзи районларида шундай фактлар учраётир. Жойлардаги партия ташкилотлари шу каби нуқсонларни дарҳол бартараф этишлари, сурватни оширишга ёрдам берувчи барча омилларни ишга солишлари даркор. Қолоқ қайфиятларга берилиш, «объектив» қийинчиликларни пеш қилиш, ишда ҳуқуқсизлик, нуқсонлар билан муросасозлик коммунистларга хос эмас. Коммунист ибрати, партиявий намуна кўрсатиш бурчи шуни тақозо этишини унутмаслик! «Далада ҳам, юксак рақбарлик пахтазорда ҳам шахсий ўрнак кўрсатиб, теримчиларни зарбдор меҳнатга руҳлантиринг! Йиғим-теримнинг барча участкаларида бугун сиз учун бундан фахрлироқ бурч йўқ!» — республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидаги бу жанговар даъват коммунистларни фидокорлик, уюшқоқлик, пахтазорда жасорат кўрсатишга чорлайди.

СССР ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов бошчилигидаги СССР делегацияси Болгария давлатининг 1300 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашиш учун 19 октябрда Москвадан Софияга жўнаб кетди.

Аэродромда делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари И. Г. Кэбин, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. (ТАСС).

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ — ХАБАР ҚИЛАДИ —

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ГРАЖДАНЛАРИ! ЖАМОАТ ХЎЖАЛИГИДА ИҚТИСОД ВА ТЕЖАМКОРЛИК УЧУН УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИДА АКТИВРОҚ ҚАТНАШИНГИЗ! ЭКОНОМИКА ТЕЖАМЛИ БЎЛИШИ КЕРАК!
(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

Суръатни бўшаштирмайлик!

● УТГАН ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА 200 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ. АНА ШУ ҲОСИЛНИНГ 150 МИНГ ТОННАДАН КЎПРОҒИ МАШИНАЛАР БУНКЕРИДАН БЎШАТИЛДИ. ЎТГАН ИККИ КУНДА ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА ҚАРИЙБ 15 МИНГ ТОННА ҚИММАТБАҲО ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ТОПШИРИЛДИ.

● 19 ОКТЯБРГАЧА РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА 4.276.435 ТОННА ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ. АНА ШУНИНГ 2.539.292 ТОННАСИ МАШИНАЛАР ЁРДАМИДА ТЕРИБ ОЛИНДИ. 238.221 ТОННА ИПАК ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ.

● ОБ-ҲАВО ЯНА АЙНАДИ, БИР ҚАТОР ОБЛАСТЛАРДА ЕҒИНГАРИЛИК БУЛЯПТИ. ТАБИАТ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИГА ЮКСАК УЮШҚОҚЛИГИМИЗНИ, МАТОНАТ ВА ТАДБИРКОРЛИГИМИЗНИ ҚАРШИ ҚЎЯЙЛИК! ТЕРИМДА ЖАДАЛ СУРЪАТ БУЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК, ҲОСИЛНИНГ СЎНГГИ ГРАММЛАРИГАЧА ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛАЙЛИК!

ОЛОТ РАЙОНИ ЗАРШУНОСЛАРИ ЗАФАРИ

Бухоро областининг Олот районн заршуносларн пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари адо этишди. Давлатга 34 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Ҳосилдорлик 34 центнорни ташкил этди. Ялпи ҳосилнинг 70 процентдан кўпроғи машиналар ёрдамида терилб олинди. Ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортларга топширилди. Бу меҳнат муваффақиятига Ф. Хўжаев номли, «Партия XXII съезди», «Ленин йўли», Навоий номли, Ленин номли, «Ленинград» колхозларининг деҳқонлари салмоқли улуш қўшдилар.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига амалий иш билан жавоб беришга бел боғлаган олотлик заршуносларн давлатга яна 11 минг тонна дурдона армуғон этишга қарор қилдилар.

ИПАК ПАХТА — ВАТАНГА

Ғиждувон районн деҳқонлари давлатга 15.075 тонна ингичка толали пахта топшириб, бу борадаги йиллик планни адо этдилар. Ипак пахта етиштиришда райондаги «Коммунизм», К. Маркс номли, С. Айний номли, «Зарафшон», «Гулистон», Калинин номли колхозларнинг деҳқонлари катта ютуқларни қўлга киритдилар. Бу хўжаликларда гектаридан 35 — 38 центнердан ипак пахта ҳосили ўтарилди.

ДАСТЛАБКИ МУВАФФАҚИЯТЛАР

Оқолтин районн дала гвардиячилари машинада пахта териш йиллик плакини муваффақиятли бажардилар. Қабул пунктларига 61 минг тоннадан зиёд машинада терилган пахта топширилди.

Меҳнатобод районидаги Ғаниқшер Юнусов номли совхоз заршуносларн йиллик планни адо этишди. Хўжалик меҳнаткашлари республика хирмонига 6 минг тоннадан зиёд қўрик дурдонасн армуғон этдилар.

Ворошилов районидаги К. Маркс номли колхоз пахтакорлари бу йил кўп, муваффақиятлари қўлга киритмоқдалар. Хўжаликка 41 йилдан буён Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Кодиркул Султонов раҳбарлик қилапти. Бу ерда пландаги 35,2 центнер ўрнига ҳозирнинг ўзидеёқ гектаридан 40 центнердан хирмон кўтарилди ва қабул пунктига 5 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Ана шу ҳосилнинг 85 процепти машиналар билан териб олинди.

Хўжаликнинг Номоз Валиев, Омон Достонов, Шариф Сулгонов етакчилик қилаётган бригадалари коллективлари 50 центнерлик марра сари дадил бормоқдалар.

Ҳосилни тез ва соз йиғиб-териб олишга Равшан Утанбоев, Ширин Шаропов, Тошпўлат Бобоев сингари механизаторлар салмоқли ҳисса қўшяптилар. Уларнинг ҳар бири мавсумда 160—210 тоннадан «оқ олтин»ни терди.

Колхоз аъзоларн яппи ҳосилни 5600 тоннага етказиш мажбуриятини олишди. Бу пландагидан 1230 тонна кўпдир.

Шу райондаги Свердлов номли колхозидан Абдували Рустамов бригадаси ҳосилдорлик бўйича рекорд матжжага эришди. Ҳозирнинг ўзидаги гектаридан 53 центнердан хирмон кўтарилди. Ана 2 центнердан пахта териб олиш кўзланмоқда. Мўл ҳосилни териб олишда механик-ҳайдовчилардан Абдумажид Аҳодов ва Турғун Солиевлар фидокорлик кўрсатдилар.

Китоб районидаги Навоий номли колхоз пахта тайёрлаш йиллик планини бажарди. 1170 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтарилиб, давлатга 4.650 тонна «оқ олтин» топширилди.

Чироқчи районидаги Қўрик «Қизил аскар» совхози ҳам маррага етди. Бу хўжалик давлатга 895 тонна пахта топширди.

Комсомолобод районидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳафиз Полвонов етакчилик қилаётган «Партия XXIV съезди» совхози пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажарди. 2000 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28,5 центнердан хирмон кўтарилиб, давлатга 5700 тонна қўрик пахтаси етказиб берилди. Ҳосилнинг 85 процепти машиналар билан териб олинди.

ХЎЖАЛИКЛАР РАПОРТИ

Жиззах областида яна 4 хўжалик пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон» совхози давлатга 8.900 тонна дурдона топширди. Бу ерда машина терими плани 120 процент бажарилди.

Пахтакор районидаги СоюзНИХИ филиали, Арнасой районидаги Рокоссовский номли ва Конев номли совхозларнинг заршуносларн ҳам йиллик планни муваффақиятли бажардилар.

Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози меҳнаткашлари пахта тайёрлаш йиллик планнн адо этдилар. Совхоз заршуносларн гектаридан 31 центнердан ҳосил олиб, республика хирмонига 12 минг тонна «оқ олтин» армуғон этдилар. **Шу райондаги 2-«Пискент» совхози ҳам маррага етди.** Бу хўжалик давлатга 8,5 минг тоннадан зиёд пахта топширди.

Хатирчи районидаги Чкалов номли колхоз заршуносларн йиллик планнн уддаладилар. Гектаридан ўртача 36 центнердан хирмон кўтарилди Қабул пунктига 3.685 тонна «оқ олтин»н жўнатилди. Ана шу ҳосилнинг 2250 тоннасн машиналар ёрдамида териб олинди.

НАВБАТ МАЖБУРИЯТГА

«Коммунизм» колхозн деҳқонлари Наманган районида биринчн бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планнни адо этдилар. Хўжалик заршуносларн қабул пунктларига 4.340 тонна биринчн сорт «оқ олтин» топширишди.

„Оқ олтин" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борышн тўғрисида шу йил 19 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобада)

Биринчн устун — областлар иккинчн устун — бир кунда тайёрланган пахта учинчн устун — мавсум бошидан буён: тўртинчн устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта: бешинчн устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	0,85	104,03	1,09	114,84
Бухоро	1,48	90.01	1,55	83,62
Жиззах	2,61	85.39	2,00	92,34
Сирдарё	1,88	83.88	1,68	89,28
Қашқадарё	1,66	80,64	1,98	67,28
Наманган	1,36	76.32	1,82	68,12
Фарғона	1,23	73.56	1,71	61,89
Сурхондарё	1,37	73.11	1,51	56,54
Андижон	1,42	63.46	1,78	45,16
Хоразм	2,59	61,47	3,71	52.73
ҚҚАССР	2.22	50.93	2,32	34 65
Самарқанд	2,54	50.38	2,90	32,29
Республика бўйнча:	1.70	73.23	1,95	65,61
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Бухоро	1,41	85.59	0,63	54,99
Наманган	2,06	83.92	5,15	76,25
Сурхондарё	1,90	69,05	1.87	56,63
Қашқадарё	2,27	48,24	1,91	21,37
Республика бўйнча:	1,97	64,39	1,82	44,33

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планнн муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтасига ёзилсин:

Олот районн — район партия комитети секретари ўртоқ Бобокулов, район ижроия комитети раиси ўртоқ Рахимбердиев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўртоқ Носиров, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Бобоев, район суғориш системалари бошқармаси бошлиғи ўртоқ Тўраев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Одинаев, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитети раиси ўртоқ Жўраев;

Оққўрғон районн — район партия комитети секретари ўртоқ Хатамов, район ижроия комитети раиси ўртоқ Мирзақулов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўртоқ Усмонов, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Набиев, район суғориш системалари бошқармаси бошлиғи ўртоқ Желолов, район комсомол комитети секретари ўртоқ Баҳромов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитети раиси ўртоқ Ким.

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ўртоқ Войцех ЯРУЗЕЛЬСКИЙга

Азиз ўртоқ Ярузельский!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Сизни Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари этиб сайланганлигингиз билан табриклайди.

Биз Сизни қардош Польшанинг ганиқли партия ва давлат арбоби, Польша Халқ Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги бузилмас дўстликнинг ишчил тарафдори деб билиб, ҳозирги масъулиятли тарихий бир пайтда Сиз марксизм-ленинизм принципларн асосида, поляк ишчилар синфининг, бутун Польша меҳнаткашларининг социалистик галабаларини контрреволюция ҳамларидан ҳимоя қилиб қолиш, мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий кризисни бартараф этиш, ПБИП раҳбарлигида Польша давлатининг суверенитетини янада мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб Польша Бирлашган ишчи партияси сафларини жипслаштириш учун ўзингизнинг бутун юксак обрў-эътиборингиздан фойдаланасиз деб ишонч билдирамиз.

Совет коммунистлари, барча совет кишилари фашизмга қарши биргаликда олиб борилган курашда партияларимиз ва халқларимиз ўртасида вужудга келган дўстлик, урушдан кейинги ривожланишнинг ҳамма босқичларидаги ҳар томонлама самаралн ҳамкорлик иккала мамлакатимиз бахт-саодати, Европада ва бутун дунёда социализм ҳамда тинчлик ишн йўлида нучайаб мустаҳкамланаверишидан астойдил манфаатдордирлар.

КПСС билан Совет давлати Сизнинг ана шу мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилган куч-ғайратингизни тушуниб, қўллаб-қувватлайдилар.

КПСС билан ПБИПнинг бирлиги муттасил мустаҳкамланаверсин. Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикаси халқлари, бутун қардош социалистик мамлакатлар бузилмас ҳамдўстлиги халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар ривожланаверсин.

Л. БРЕЖНЕВ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари.

ПБИП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ В. ЯРУЗЕЛЬСКИЙ

Войцех Ярузельский 1923 йил 6 июлда Люблин воеводасининг Куров шаҳрида туғилди. К. Сверчевский номидаги бош штаб академиясини тамомлади.

1943 йил июлида Совет Иттифоқи территориясида тузилган Польша қўшинлари сафига кирди. Польша ҳўшинларининг биринчи армиясида жанговар йўлни босиб ўтди. Варшавани озод қилишда, Одер ва Эльбадаги жангларда қатнашди.

Халқ ҳокимияти йилларида масъулиятли қўмондонлик, штаб лавозимларида ҳамда, партиявий-сиёсий лавозимларда ишлади. 1960 йилдан — Бош сиёсий бошқарманинг бошлиғи. 1962 йилдан — мишлий мудофаа министрининг ўринбосари. 1968 йилдан — ПХР миллий мудофаа министридир. Армия генерали ҳарбий унвонига эга.

1948 йилдан Польша Бирлашган ишчи партиясининг аъзоси. 1964 йилдан ПБИП Марказий Комитети аъзоси.

1970 йилдан ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат. 1971 йилдан буён эса ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзосидир.

1981 йил февралида В. Ярузельский ПХР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинланди ва миллий мудофаа министри лавозимини ҳам айни вақтда ижро этиб келмоқда.

ПБИПнинг 1981 йил июлида бўлиб ўтган IX фавқулодда съездида яна ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси этиб сайланди.

ПХР сеймининг депутати. Польшанинг кўпгина орденлари билан, шу жумладан халқ Польшаси Бунёдкорлари ордени билан тақдирланган. Совет орденлари билан мукофотланган.

ПБИП Марказий Комитетининг IV пленумида Войцех Ярузельский Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари қилиб сайланди.

ДЎСТОНА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов «Тинчлик ва социал тараққиёт учун» мавзуида Москвада ўтказилган биринчи Совет-Африка илмий-сиёсий конференциясида қатнашган Африка қитъасидаги бир қанча мамлакатларнинг республикамизга келган таниқли сиёсий ва жамоат арбобларини 18 октябрь куни қабул қилди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида Ш. Р. Рашидов Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг доно ленинча миллий сиёсати, улуғ мамлакатимиз барча халқларининг йил сайин мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги ва қардошларча ўзаро ёрдами туфайли халқ хўжалиги, маданият ва санъатнинг ҳамма соҳаларини ривожлантиришда Совет Ўзбекистони эришган катта муваффақиятлар билан меҳмонларни таништирди. У, республика меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини турмушга татбиқ эта бориб, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ мусобақасини авж олдириб юборганликларини, экономика ва маданиятни равнақ топтиришда янгидан-янги марраларга эришаётганликларини гапириб берди.

Бутун совет халқи билан биргаликда республика меҳнаткашлари КПСС билан Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини, уларнинг мустаҳкам тинчлик учун, қуролланиш пойгасини жиловлаш учун изчил курашини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар.

Партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев таклиф этган янги совет ташқи сиёсий ташаббусларини, КПСС XXIV ва XXV съездлари эълон қилган Тинчлик программасини изчил давом эттирувчи ва ривожлантирувчи ташаббусларини бутун халқ маъқуллаб кутиб олди.

Ш. Р. Рашидов қуйидагиларни таъкидлади: барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Африкадаги ривожланаётган мамлакатларнинг халқларига нисбатан астойдил дўстлик туйғуларини изҳор этмоқдалар, уларнинг миллий озодлик, сиёсий ва иқтисодий мустақиллик йўлидаги, қолоқликни бартараф этиш йўлидаги, империалистларнинг мустамлакачилик тартибларини қайта тиклаш учун қилаётган уринишларига қарши кураши билан бирдамдирлар. Ўзбекистон мутахассислари ўз интернационал бурчига амал қилиб, шаҳар ва аппаратчи Абдуманнноб Миратов ўртоқларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвонлари берилди.

Суҳбатда Африка қитъаси мамлакатлари халқларининг хўжалик қурилиши ва ижтимоий турмушдаги демократик ва социал-иқтисодий ўзгартишларга интилишини Совет Иттифоқи қўллаб-қувватлаётганлиги, унинг ривожланаётган мамлакатларга бераётган бегараз ёрдами, халқаро кескинликни юмшатишга, янги уруш хавфининг олдини олишга қаратилган фаолияти жуда катта аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

Суҳбатда СССР Фанлар академияси Африка институтининг директори А. А. Громико, Самарқанд область ижроия комитетининг раиси С. Ҳ. Ҳамроқулов, Самарқанд область партия комитетининг секретари Ҳ. Н. Нормуродов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Ҳ. Р. Раҳимов, Самарқанд шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ш. Ф. Файзиев, Самарқанд шаҳар ижроия комитетининг раиси А. Ҳ. Худойқулов, бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Социалистик мусобақада юксак кўрсаткичларга эришганликлари, кўп йил самарали ишлаганликлари, коллективнинг жамоат ҳаётида актив иштирок этганликлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига биноан Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати бош инженерининг ўринбосари ўртоқ Владимир Николаевич Сгурскийга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер», ишчи Любовь Александровна Бражникова ва аппаратчи Абдуманнноб Миратов ўртоқларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвонлари берилди.

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиги билан мукофотланди.

БУХОРО ОБЛАСТИ. Республикамизнинг 5 миллион 900 минг тонналик улкан хирмонига кўпминг килограммчи теримчилар ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда. Ғиждувон районидаги «Ленинизм» колхозининг илғор теримчиси Инобат Тўраева ана шулардан бири ҳисобланади. У ҳар куни она-Ватан хирмонига 160—180 килограммдан дурдона териб топширяпти. У мавсумда камида 10 тонна «оқ олтин» териб беришга қарор қилган. Суратда: Инобат Тўраева.

Н. Мажидов фотоси.

Редакция почтасидан

ПИРУ БАДАВЛАТЛАРИМИЗ

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Оила аъзоларининг ҳаммаси бир жойга тўпланса кичикроқ тўйни эслатади: ўғиллар, келинлар, ўтгиздан ортиқ невараю чеваралар!.. Даврининг тўрида пиру бадавлат Ҳайтимматбува ва Гуллошша момо. Улар ўз ҳаётларидан мамнун. Негаки, фарзандларини меҳнатсевар, ақлли, одобли кишилар қилиб тарбиялашди. Фарзандлар улар ўйлаганидек халқ ишига дил боғлаган азамат йигитлар бўлиб вояга етдилар.

Катта ўғил Гулиммат Ҳайтимматов Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозининг илғор бригадирларидан. У бошлиқ бригада ҳар гектар пахта майдонидан 60 центнердан ошириб ҳосил олмоқда. Гулиммат ҳукуматимиз орден ва медаллари билан тақдирланган. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

Сафарбой, Ражаббой, Юсуфбой, Аҳмаджон ва Нурматжонлар механизаторлик қилишмоқда. Рафиқалари Солияжон, Ҳайитжон ва Маликахонлар эса кўпминг килограммчилардир.

Оиланинг яна битта келини Бозоргул Мадраимова эса педагог. Райондаги Ҳамза номли мактабда ишламоқда, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашдек шарафли ишга ўзининг ҳиссасини қўшмоқда.

Ана шундай фидойи фарзандларни камол топтиришда кўрсатган, катта ғамхўрликлари учун ҳурматли отахон ва онахон партия ва ҳукуматимиздан миннатдор.

Оила аъзолари ҳаётда ўзларига тўғри йўл танлаб олган, она-Ватанимиз равнақи, халқимиз бахт-саодати йўлида астойдил меҳнат қилаётган кишилар. Неварадари ҳам ўзларидек меҳнатсевар, фидокор бўлиб етишадди. Ҳайтимматбува ва Гулпошша момонинг эзгу истаги бу.

Р. НУРМАТОВА.
Гурлан райони.

ЯНА НОН ХУСУСИДА

ДАСТУРХОН ЗИЙНАТИ

Нон ҳақида ўйлаганимда буюк аллома Саъдий Шерозийнинг қуйидаги пурҳикмат байти беихтиёр ёдимга тушади:

Тиш бўлмаса ҳам бор
емоққа имкон,
Зўр мусибатдир гар бўлмаса
нон.

Фикр-ўйимизни бир ерга тўплаб, нонинг нақадар зарур неъмат эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилайлик. Улуғ Ватан уруши даҳшатлари ҳамон ёдимизда. Ленинград шаҳри фашист ғазандалари томонидан қуршаб олинган кунлар эди. Ана шу пайтларда Нева бўйларида Усимликшунослик институтида академик Н. И. Вавилов раҳбарлигида жаҳон миқёсидаги 118 хил дон экинларининг уруғлари тўпланганди. Бу жуда қимматли коллекциями қуршовдаги шаҳардан олиб чиқиб кетишнинг имкони бўлмади. Институт ходимлари ноёб донлар уруғларини замбараклар ёғнини ва бомба портлашларидан, каламуш ва сичқонлардан, ҳашаротлардан омон сақлаш учун мардонавор кураш олиб борадилар. Узлари оч-нахор бўлсалар-да, унинг бир граммига ҳам кўз олайтирмаганлар.

Ҳа, дон ва нон ҳамиша, ҳар қандай шароитда ҳам ана шундай ноёб ардоқли бўлган. Мамлакатимизнинг Давлат гербида буғдой бошоқларининг тасвирланган белги эмас. Чунки нон—ҳаёт демакдир. Инсоннят тарихида кишилар умрбод нон учун, яъни ҳаёт учун кураш олиб борганлар. Улар, ҳамма нон билан таъминланган бўлиши керак, деб талаб қилганлар. Буюк Октябрь чақириғи эса мана бундай бўлган: «Халқларга тинчлик, деҳқонларга замин, очларга нон!». «Нон учун кураш социализм учун курашдир», — деган эди В. И. Ленин. Доҳий нонга ниҳоятда эҳтиёткорлик ва эътибор билан қарар эди, бошқалардан ҳам шуни талаб қиларди.

В. И. Ленин билан Кремлда бирга хизмат этишга муяссар бўлган коммунист Вадим Александрович Смольяниннов қуйидаги воқеани айтиб берган эди. Кубанда ишлаган кекса коммунист П. И. Вишнякова оқгвардиячилар қўлидан тортиб олинган олтин ва ҳар турли қимматбаҳо буюмлар ортилган вагонни кузатиб Москвага олиб келган. Пойтахтдан бу аёл партия топшириғига мувофиқ Волге фронтига жўнаб кетиши керак эди. Сафар олдидан уни В. И. Ленин таклиф қилади. Бу аёлни узоқ сафарга отланганлигини ва Москвада унинг ҳеч қандай таниш-билиши бўлмаганлигини Владимир Ильич яхши билар эди. Шунинг учун у ўзининг бир кунлик паёгини унга беради. Халтани очиб кўриб, кекса коммунист аёл жуда ҳайратда қолади. В. И. Ленининг паёги кепак аралашган қора жавдар унидан қилинган бир бўлак нондан иборат эди. П. И. Вишнякова Ильичнинг бу туҳфасини ўзида сақлайди ва уни қизил аскарлар фронтга жўнаб кетиши олдидан ташкил этилган митингда ҳаммага кўрсатади. Бир парча кора нон солинган ҳалтача қизил аскарларнинг қўлидан-қўлига ўта бошлайди. Аёл жангчиларга қараб шундай деди:

— Мана шундай нонни ишчиларимиз истеъмол этмоқдалар, улар очдирлар. Мен Ленининг ҳузуриде бўлдим, у ҳам ҳар куни шундай нонинг бир парчасини еяр экан. Биз-лар оқ гвардиячиларни ер билан яксон этишимиз, Заволжьени душмандан озод қилишимиз ва мамлакатга ғалла беришимиз лозим.

Қизил аскарлар душманга қарши мисли кўрилмаган даражада жанг олиб бордилар...

Мамлакатимизда ғаллазорларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳамда нонимизнинг сифатли ва мазали бўлиши учун кўп чора-тадбирлар кўрилмоқда. Юқори ҳосил эгалари бўлган азамат ғаллакорларимиз Ватанимиз мукофотларига муяссар бўлмоқдалар. Бундай азаматларни ғалла фронти ғвардиячилари деб, тўғри айтадилар.

Яқинда Москвада нон ёпиш масалаларига бағишланган кўргазма намойиш этилди. Кўргазмада маълум бўлдики, фаровон яшаётган халқларимиз дастурхонига новвойларимиз 700 хилга яқин бири-биридан тотли нон турларини ёпиб тортиқ этиб келишаётган эканлар. Бу маълумот кўплар қатори Тошкент шаҳрининг Сойбўйи маҳалласида истиқомат қилувчи 80 баҳорни кўрган отахон, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Абдуқодир бобомизни жуда ҳам ҳаяжонлантирди. У биз билан суҳбатда шундай деди:

— Совет ҳукуматининг халқ фаровонлиги тўғрисидаги катта ғамхўрликлари учун минг раҳмат, биз қариялар ҳукуматимиздан жуда миннатдормиз. Аммо бизлар — ёш-у қарилар нонни доимо эъзозлашимиз, нобуд ва исроф этмаслигимиз, нонинг ушоғи ҳам нон эканлигини барчага тушунтиришимиз керак. Тўқликка шўхлик қилиш яхши эмас.

Ғ. СУЛТОНОВ,
Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, меҳнат ветерани.

ЮКСАК ТУРМУШ МАДАНИЯТИ УЧУН

КЎЗЛАР ҚУВОНАДИ

Май ойининг охирлари эди. «Марғилон—Наманган» автобусида келаётган солдат чор-атрофга тинмай аланглади.

— Шу ерда бизнинг қишлоқ бўлиши керак эди, кўзга чалинмаяпти. Яқинлашсак тўхтатиб қўярсиз, — илтимос қилди у шофёрдан.

— Қаёққа бормоқчисиз, ука?

— Оқолтин қишлоғига, Комсомолобод районининг марказига.

— Мана шу қўрниб турган қишлоқ ўшада, — дейишди йўловчилар.

Солдат бош чайқади.

— Йўғ-э ўхшамайдн-ку!

Фақат у автобусдан тушиб, кенг кўча бўйлаб уйи томон борар экан, она қишлоғини — навқирон Комсомолободни таниди.

Бу кейинги йилларда Марказий Фарғона чўлларида бўлиб ўтган катта социал ўзгаришларга ёрқин мисол бўла олади. Районимиз маркази асрлар бўйи чўлда ҳокими мутлақ бўлиб турган қум барханлари устига қурилди. Янги кўп хонали уйлар, жамоат бинолари барпо қилинди. Кенг ва равон кўчалар, хиёбонлар бунёд этилди.

Районда ўттиз минг гектар ер бор. Лекин ҳозиргача унинг 20 минг гектарга яқинигга қишлоқ хўжалик экинлари экилмоқда. «Андижанводстрой» трестининг 6- ва 7- механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари ҳар йили чўлқуварларга минглаб квадрат-метр ер-ўй бинолари қуриб бериш билан бирга юзлаб гектар ерни ҳам ўзлаштираётирлар. Натижада бу ерлар ям-яшил пахтазорларга ва шинам қишлоқларга, кўркам боғ-рогларга айланмоқда.

Марказий Фарғона чўлларида янги район ташкил этишдан асосий мақсад бу ерда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, пахтачиликни янада юксалтиришдан иборат эди. Вазифа тўла-тўкис амалга оширила бошланди. Бир мисол. Агар 1974 йилда Комсомолобод районининг ҳосилдорлиги хўжаликлар давлатга жуда оз миқдорда пахта топшириб берган бўлсалар, ўтган йили районда ялпи ҳосил 34 минг 600 тоннани ташкил этди. Бу йил эса қирқ минг тонна учун кураш қизиб кетган.

Янги чўл районининг меҳнаткашлари фаровон ҳаёт кечирмоқдалар. Бу нарса хўжаликлар экономикасининг тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги, партия ва ҳукуматимизнинг кундалик ғамхўрлиги шарофатидандир. Район маркази бўлмиш Оқолтин қишлоғи. Мирзаахмедов номли совхозининг маркази «Мингбулоқ» қишлоғи, «В. И. Ленин 100 йиллиги» совхозининг маркази Мингчинор қишлоғи замонавий тарзда қурилган қишлоқлардир. Хўжаликларнинг марказий қўрғонлари ҳам бош план асосида гиклана ётир. «Мингчинор» қишлоғи бундан бир неча йил аввал кўркамлиги ва замонавийлиги учун Бутунитти фоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг иккинчи даражали дипломи билан тақдирланди.

Район меҳнаткашлари ҳамма қулайликлардан баҳрама-на бўлмоқдалар. Барча хўжаликларда йўллар тамоман асфальтлаштирилган. Электр, телефон ва радио бормаган бирорта участка қолгани йўқ. Бир қатор қишлоқларнинг аҳолиси табиий газдан фойдаланмоқда Бу ерда меҳнаткашларга хизмат кўрсатиш соҳалари, жумладан, савдо, маиший хизмат, маданият ва бошқа тармоқлар йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

Ўтган йили район марказида қуриб, фойдаланишга топширилган ҳашаматли маданият саройи меҳнаткашлар ҳаётида катта воқеа бўлди. Ҳозир мана шу сарой саҳнасида чўлқуварларнинг фарзандлари — ҳаваскор хонанда ва созандалар тез-тез ўз санъатларини намойиш қилмоқдалар.

Ҳозир район марказида маиший хизмат уйи қад кўтариб турибди. Унда аҳолига 14 турдаги маиший хизмат кўрсатилмоқда. Ҳолбуки, бундан бир неча йиллар аввал маиший хизмат турлари олти-еттитадан ортмас эди. Ҳозир район меҳнаткашлари маиший хизматнинг автомобилларни ремонт қилиш, буюмларни прокатга бериш каби прогрессив усулларидан ҳам фойдаланмоқдалар.

Шу йил ёз ойида район марказида ўн минг ўринли «Олимпия» стадиони қуриб, фойдаланишга топширилди. Шуниси диққатга сазоворки, бу катта спорт комплекси район меҳнаткашлари ва оталиқ ташкилотлари томонидан ҳашар йўли билан қуриб битказилди. Ҳозир бу ерда районнинг «Олимпия» футбол командаси календарь ўйинларини ўтказмоқда. Район миқёсидаги турли спорт мусобақалари ҳам мана шу ерда ўтказилаётир.

Комсомолобод юрагида ўти бор, шижоатли ва фидойи кишилар диёри ҳамдир. Район ташкил топгандан бери ўтган саккиз йил мобайнида бу ерда ўнлаб тажрибали кадрлар етишиб чиқди. Оддий трактороч, сувчи бўлиб ишлаганлар ҳозир бригадир, бўлим бошқарувчиси, йирик мутахассис бўлиб меҳнат қилаётир.

Эндиликда районимизда бўлган кишининг кўзи қувнайди. Комсомолободнинг қолажаги порлоқ. Беш йиллик планга кўра, бу ерда яна минглаб гектар ерлар ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилади. Замонавий типдаги янги аҳоли пунктлари қад кўтаради. Беш йиллик охирига бориб районда йилига жами 43 минг тонна пахта етиштирилади.

Областимизнинг энг кенжа районида бўлмиш Комсомолобод районида яна ҳам кўркамлашаверади. Партиямизнинг иродаси ва чўлқуварларимизнинг ғайрат-матонати туфайли ана шундай бўлади.

Т. ҚАМЧИЕВ,
Комсомолобод район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ТАНҚИДИДАН СЎНГ

ҚОЛОҚЛИКДАН ИЛҒОРЛИККА

Оҳангарон дон маҳсулотлари комбинати бир неча йилларидан буён қолоқликдан чиқа олмай келарди. Етмиш тўққизинчи йилда корхона фаолияти «Совет Ўзбекистони» газетасида кескин танқид қилинди. Бу, айниқса, коммунистларни кўпроқ ташвишлантирди. Шундан сўнг, коллективининг умумий йиғилиши қақирилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва қолоқликдан чиқиш тадбирларини белгилаб олдик. Маълум бўлишича, комбинатда кадрларни танлаш ва тарбиялаш ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ишчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш кўнгилдагидек эмас экан.

Тез орада эллик олти квартирали уй фойдаланишга топширилди, миллий ошхона, магазин, маиший хизмат кўрсатиш корхонаси ишга туширилди. Комбинатдаги мавжуд механизмларнинг қуввати оширилди, реконструкция ишлари амалга оширилди. Янги технинани ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий қилиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, энг муҳими, кадрларнинг составини яхшилаш ўзининг қувончли самараларини бера бошлади.

1980 йилда комбинат коллективи қолоқликка бутунлай барҳам берди. Ўтган йили маҳсулот реализация қилиш плани 114,7 процентга бажарилди ёки планга қўшимча 3521 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди, 2770 тонна ун, 2846 тонна омихта ем планга қўшимча ишлаб чиқарилди. Ўтган йили тўрт кварталда корхона Оҳангарон район партия комитети, район ва шаҳар ижроия комитетларининг кўчма Қизил байроғини, шу йилнинг биринчи ва иккинчи кварталида эса республика Тайёрлаш министрлиги қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ходимлари касаба союзи республика комитетининг кўчма Қизил байроғи ва 2800 сўм мукофотини олишга сазовор бўлди.

Социалистик мусобақани ҳар томонлама ривожлантираётганимиз ютуқларимиз омили бўлмоқда. Мусобақа якунлари ҳар ой ва ҳар квартал бўйича чиқарилиб, мусобақа ғолиблари моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Цехларни аҳамиятига кўра, уч группага бўлганмиз. Узаро мусобақада Оҳангарон шаҳар Совети депутати Йўлдош Камолиев бошлиқ бригада пешқадамлик қилмоқда. Шунингдек, Лилия Саломова, Роман Ни, Ҳосил Йўлдошевлар етакчилик қилаётган бригадалар ҳам зардорчасига меҳнат қилишаётир. Умуман, 1981 йилда 88440 тонна ун, 81000 тонна омихта ем ишлаб чиқаришга аҳд қилганмиз.

Маълумки, Оҳангарон район меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига «60 зарбдор меҳнат вахтаси»да туриб ишлаб, икки йиллик план — мажбуриятларини 1982 йил биринчи ноябригача бажаришга аҳд қилдилар. Уларнинг ташаббусини тошкент область партия комитети маъқуллади. Биз ҳам бу ташаббусга яқдиллик билан қўшилиб, ўн биринчи беш йилликнинг икки йиллик планини 1982 йил биринчи ноябригача бажаришга аҳд қилдик. Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор.

Коллективимиз аҳил. Корхонамиз меҳнат аҳли тобора юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилаётир. Биз, айниқса, нон маҳсулотларини авайлаш ҳақида кўпгина тадбирларни амалга оширишга интиляпмиз. Зеро, нон халқ бойлиги, унинг ҳар бир ушоғи азиз, муқаддасдир.

КПСС XXVI съезди қарорларида ғалла маҳсулотларини тобора кўпайтириш кўзда тутилган. Бу эса бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Ҳеч шубҳа йўқки, съезд қарорларини амалга ошириш учун фидокорона ишлайверамиз.

А. МУТАЛОВ,
Оҳангарон дон маҳсулотлари комбинатининг директори.

ХАТ ОРТИДА ИНСОН БОР

ҲАМ ТЕКШИРИБ, ҲАМ ЎРГАТИБ

Район халқ контроли комитетининг штатсиз ариза ва шикоятлар бўлими инспекторлари ташкилот ва муассасаларда меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлашнинг аҳволини пухта ўрганиб бормоқдалар. Шу йил Октябрь ва Рашқон матлубот жамиятларида ҳамда районда маданият бўлимида ўтказилган текширишларнинг якунлари район халқ контроли комитетида муҳокама этилди ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Район халқ контроли комитети КПСС Марказий Қўмитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, штатсиз ариза ва шикоятлар бўлими ишини янада такомиллаштириб бормоқда. Штатсиз бўлимга КПСС аъзоси М. Солиева қариб ўн беш йилдан буён мудирлик қилиб келмоқда. Бўлимдаги ўн икки штатсиз инспектор меҳнаткашларнинг хатлари, ариза ва шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқмоқдалар. Айни вақтда улар колхоз ва совхозларда, ташкилот ва муассасаларда тез-тез бўлиб, меҳнаткашлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Штатсиз инспекторлар жойларда бўлиб, ариза ва шикоятлар билан ишловчи масъул кишилар билан иш юритиш юзасидан суҳбатлар ўтказиб турибди. Бундан ташқари семинар ва йиғилишларнинг ўтказилиши ҳам бу соҳадаги ишларнинг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатаётир. Ариза ва шикоятлар билан келган гражданларни қабул қилиш график асосида олиб борилянти. Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлашда ҳамда масалаларни тайёрлашда Муҳаммаджон Узоқов, Ҳалима Тоштемирова, Иноят Осмонова, Геннадий Шпотин сингари штатсиз инспекторларимиз фаол иштирок этмоқдалар.

Район халқ контроли комитети бундан кейин ҳам гражданларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлашни КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида олиб бораверади.

М. АКБАРОВ,
Фарғона область Киров район халқ контроли комитетининг инспектори.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БЎЛИМИ ПОЧТАСИДАН

ЯГОНА ТУЙҒУ

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатида шундай сатрлар бор: **«Бугунги кунда бизнинг битта энг асосий вазифамиз, мамлакат олдида битта масъуляятимиз бор: у ҳам бўлса пахтадир».**

Шу кунларда бўлим почтасига келаётган хат-хабарларнинг аксарият қисми худди шу руҳ, шу нафас билан суғорилганлиги диққатга сазовор.

— **«Узбекистон ССР 40 йиллиги» совхозидаги Киров номли бўлимнинг Гулзира Мўминова бошлиқ бригадаси коллективи йиллик пахта тайёрлаш планини Беруний районида биринчи бўлиб бажарди,** — деб хабар қилади қорақалпоғистонлик жамоатчи мухбиримиз М. Муқонов. — **Бригада 40 гектар шўрхок ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтарди. Ҳосилнинг 85 процентини машиналар ёрдамида териб олинди. Пахтакорлар ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун кураш бошлашди.**

Узбекистонда ҳамма пахтакор деймиз. Чиндан ҳам шундай. Ҳозир ўлкамизда касбиқоридан қатъи назар ҳар бир киши ҳосил тақдири учун шахсий даҳлдорлик туйғуси билан яшамоқда, меҳнат қилмоқда.

— Ёзёвон районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг бир группа пенсионер отахон ва онахонлари, — деб ҳикоя қилади фарғоналик А. Мадраҳимов, — далада тер тўкаётган ўғил-қизлари, набирларига кўмаклашиш учун райондаги барча тенгдошларига мурожаат билан чиқдилар. **25 нафар отахон ва онахонлар алоҳида бригадага уюшиб, кунига 800-900 килограммга етказиб, «оқ олтин» термоқдалар. Нурмат Абдураҳмонов, Акбар Отажонов, Маҳмуд Аҳмадалиев, Раҳмон Мамажонов, Мамарасул Охунов, Кимсанбой Тешабоев каби кексалар ҳар куни хирмонга 90—100 килограммдан дурдона тўкиб, эл-юрт олкишини олмоқдалар.**

Сўнгги кунларда кўк юзида булутлар тўдаси тез-тез йиғилиб, ёғин-сочинли кунлардан дарак бериб турганги барчага аён. Хатто айрим жойларда кутилмаган ёмғир терим суръати ва сифатига таҳдид солаётгани ҳам сир эмас. Бундай кезларда барчанинг ва ҳар бир кишининг аҳлилик билан қилган зарбдор меҳнатигина ишнинг муваффақиятини таъминлаши мумкин. Бироқ ана шу ёрқин ҳақиқатни яхши англамаётган, терим суръатида сусткашлик қилиб, графиклар ижросига тўсиқ бўлаётган айрим коллективлар ҳақида ҳам жойлардан хат-хабарлар келаётгани кишини ташвишлантиради.

— **Ленин номли Поп аграрсаноат бирлашмасидаги Ленин номли совхоз-техникумда,** — деб хабар қилади Поп районидан журналист К. Каримжонов, — **сўнгги кунларда пахта териш ва тайёрлаш суръати кескин пасайиб кетди. Октябрнинг иккинчи ўн кунлиги бошида бирлашма бўйича графикда белгиланганидан 960 нафар теримчи йиғим-теримга сафарбар этилмади. Натижада, кунлик суръат айрим кунлари 50 процент ҳам бажарилмади. Ҳар бир теримчининг ўртача кўрсаткичи аранг 35 килограммни ташкил этди, холос. Шунингдек, райондаги «Ленинград» колхози ва «Чодак» совхозларида ҳам мавжуд ишчи кучлари теримга тўла сафарбар этилмаяпти.**

Тўғри, «ҳар тўкисда бир айб» дейдилар. Лекин тўкислик бор жойда ҳар қандай айб ҳам вақтинчаликдир. Биз, ҳозирги кунларда қолоқликка йўл қўяётган ана шу айрим меҳнат коллективлари ҳам пахта йиғим-теримига одамлар ва техникани тўла сафарбар этишларига, мавжуд резервлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишларига, мавсумнинг ҳар бир куни, ҳар бир соати, ҳар бир дақиқасини қадрлашларига қатъий ишонамиз.

Самарқандлик **Ш. Ҳасанов**, сирдарёлик **Қ. Кўшматов**, хоразмлик **М. Эшмуродов**, тошкентлик **А. Усмонов**, қорақалпоғистонлик **Э. Ергалиев**, наманганлик **И. Иномов**, фарғоналик **Ф. Абдуназаров** ўртоқлар йўллаган мактубларда ҳам қувончли зафар сатрлари билан бирга қалбда андак ранж туғдирувчи айрим ташвишли хабарларни ўқиймиз. Лекин, бугун биз хатларда тилга олинган дала қаҳрамонларига ҳам айрим жузъий нуқсонларга йўл қўйиб, вақтинчалик сусткашлик қилаётган ҳамюртларимизга ҳам республикамиз партия ва ҳукуматининг Мурожаатномасида алоҳида таъкидланган қуйидаги сатрларни яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз. **«Халқ сизларнинг имкониятларингизни биладиг ва сизларни севади. Ана шу меҳр-муҳаббат ва ишонч зиммага кўлгика мажбуриятлар юклайди. Бугун эса даставвал ҳосил тақдири учун юксак масъулият юкланди».**

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

АЙБДОРЛАР ЖАЗОЛАНДИЛАР

«Улуғ» совхозининг тўртинчи бўлимидаги отарда қўйларни талон-торож қилишга йўл қўйилмоқда». (Советободлик газетхонлар хатидан).

Ушбу хат текшириш ва чора кўриш учун **СОВЕТОБОД РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ**га юборилган эди. У ердан олинган жавобда қуйидагилар қайд этилади:

— Бўлимнинг бош чўпон Қ. Холмуродов отарида қўйлар етишмаслиги ва бунга бош чўпон аниқлаган аниқланди. Келтирилган зарар —1088 сўм пул айбдордан давлат ҳисобига ундириб олинди.

Текшириш якунлари район партия комитети бюросида муҳокама қилинди. Бунда ўз вазифасига совуққонлик билан қараганлиги учун бўлим бошқарувчиси Х. Кунгуровга хайфсан эълон қилинди. Шунингдек, совхоз дирекциясининг буйруғини ўз вақтида бажармаганлиги ва бўлим мутахассислари устидан етарли назорат ўрнатмаганлиги учун бош зоотехник К. Авазовга виговор берилди.

ТАРТИБ ЎРНАТИЛДИ

«Тошкент» автозоҳзалидаги кассаларда сира тартиб йўқ. Кассирлар йўловчиларга қўпол муомалада бўлишмоқда. (Конибодомлик С. Солиев мактубидан).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАССАЖИРЛАР ТАШИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АВТОТРЕСТИ газетхон хати юзасидан редакциямизга шундай мазмунда жавоб йўллаган.

— Хатда баён этилган «Тошкент» автовокзали ишидаги баъзи камчиликлар, айрим ходимларнинг йўловчиларга нисбатан қўполлиги ҳақиқатан ҳам тўғри.

Газетхон мактуби автовокзал ходимлари йиғилишида муҳокама қилинди. Бундан бўён билетларни сотиш қоидаларига қатъий риоя қилиш ва ишда камчиликларга йўл қўймаслик қайд этиб ўтилди.

Барча кассирлар, операторлар билан қайта инструктаж ўтказилди.

Кассирлар, диспетчерлар ва бошқа линия ходимлари иши устидан назоратни янада кучайтириш, топширилган иш участкасида шахсий масъулиятни ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Автовокзаллар ва пассажирлар автостанцияси бирлашмаси буйруғига кўра, билетларни сотиш қоидаларини бузганлиги учун «Тошкент» автовокзали оператори В. Кононова бир ой муддат билан вазифасидан четлаштирилди. Кассир В. Назаровага виговор эълон қилинди. Навбатчи диспетчерлардан А. Бобобеков ва П. Бекмуҳамедовларга кассирлар ва операторлар иши устидан етарли назорат ўрнатилмаганлиги кўрсатиб ўтилди.

ГАЗЕТХОН БОНГ УРАДИ

ҒАРОЙИБ «КЎРГАЗМА»

Бунақа «кўргазма» ҳеч қаерда бўлмаса керак. Томоша қилмоқчи бўлсангиз Тошкент шаҳар, Октябрь районининг Усмон Юсупов кўчасини кесиб ўтадиган Калковус канали бўйига келинг. Хонадонлардан чиқариб ташланган майда кўмирлар, консерва банка-ю эски симкаравотлар, рўзғорга ярамай қолган идиштовоқлар — бари шу ерда. Бундай нарсалар кун сайин кўпая бориб, ҳеч қаерга сиғмай кетяпти.

— «Автодормехбаза» ходимлари қаёққа қараб юришибди, тагларида тайёр машина, ташиб кетишса бўлмайдими? — деб сўрарсиз.

Бўлади-ку, анча мушкул-да! Сабаби, ахлат ва чиқиндилар ташланаётган майдон кўчадан икки метр чамаси пастликка жойлашган.

Каттагина бу майдон Октябрь район ободонлаштириш бошқармаси томонидан гулзорга айлантирилиши керак экан. Афсуски, 7-8 йилдан буён бу иш амалга ошмай келаётир. Бундан фойдаланган «Известия» маҳалласидаги баъзи шахсиятпараст кишилар уни чиқиндихонага айлантиришди.

Шаҳримиз кўркига доғ бўлиб тушаётган бу ишдан халқ депутатлари Тошкент Совети ижроия комитетидаги масъул ўртоқлар ҳам хабардор. Улар биз йўллаган шикоятномага шундай мазмунда жавоб қайтаришган эди.

— Хатингиз Тошкент шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармаси ҳамда Октябрь райижрокоми ободонлаштириш бошқармаси ходимлари ўртасида кўриб чиқилди. Хатда баён этилганидек, шу атрофдаги маҳаллаларда истиқомат қилувчилар умумий тартибга риоя қилмаган ҳолда Калковус канали бўйидаги майдонни чиқиндихонага айлантиришган.

Чиқиндилар «Автодормехбаза» ишчилари томонидан ташиб кетилди. Майдон кўкаламзорлаштирилади».

Афсуски, бундай қилинганича йўқ, белгиланган тадбирлар қоғозда қолиб кетди. Вazда қачон амалга ошаркин?

Н. ОМОНОВ.

НА ЭШИГИ БОР, НА ДАРВОЗАСИ

Экономикамиз юксалган сари маданиятимиз гуркираб, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут тобора йўқолиб бормоқда. Шаҳарликдан қолишмайдиган кинотеатрлар, маданият саройлари, стадионлар ва сўлим хиёбонларда ҳордиқ чиқариб, обод посёлкаларда истиқомат қилаётган бахтиёр қишлоқ кишиларига ҳавасимиз келади.

Минг афсуски, Ўзбекистон районидаги Ғ. Гулом номли колхознинг Бекобод қишлоғида аҳвол тамоман бошқача. Ишдан кейин кино, концерт кўриб, кўнгилни ҳордиқ чиқаришимиз учун шароит йўқ ҳисобида. Тўғри, қишлоғимизда яккаю-ягона клуб бор. Лекин у ҳам қаровсиз аҳволда. Клубнинг на эшиги бор, на деразаси. Ремонталаб клубга қараб киши ачинади, холос. Клубимизга иккинчи умр бағишлайдиган бирор ташкилотчи раҳбар топилса колхозчилар учун ҳайрли иш қилган бўларди.

Бекобод қишлоғи меҳнаткашлари номидан:
Р. ҲАМИДОВ,
Ф. ҚУДРАТОВ.

ҲАММАНИНГ ЎРНИ ДАЛАДА

АНЪАНАГА СОДИҚМИЗ

ТЕЛЕФОНДА: НАРПАЙ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ А. ТИЛЛАЕВ

Самарқанд

Районимиз пахта тайёрлашда анча орқада қолди. Кунлик графиклар бажарилмади. Машина теримида силжиш бўлмади. Кўпчилик теримчилар кунлик нормаларини бажармади. Буларнинг ҳаммаси район партия комитетини жиддий ташвишга солди. Биз юз берган аҳволни халқимизга ошкора айтдик, бободеҳқонлар, тажрибали кишилардан йиғим-теримни тезлатиш йўллари ҳақида маслаҳат сўрадик. Теримда кескин ўзгариш ясаш учун нималар қилиш керак? Бу саволга республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан айниқса конкрет жавоб топдик. Мурожаат халқимиз ва партия ташкилотларимизнинг жанговар программасига айланди.

Пахта тайёрлаш суръатларини ошириш, мавсумнинг ҳар бир кунидан, ҳар соатидан энг кўп самара билан фойдаланиш бош вазифадир. Одамлар билан техникани пахта йиғим-теримига тўла сафарбар этиш, барча мавжуд резервлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан ошириш учун ўзимизнинг бутун ижодий ёшлигимизни, сабот-матонатимиз, мардлигимизни намоён этиш ҳозир ҳар қачонгидан кўра муҳимдир. Бу илҳомбахш сўзлар районимиз меҳнат аҳлининг қалбидан чуқур жой олди, уларни теримда янги зафарларга илҳомлантиримоқда.

Куни кеча Ҳамза номли совхоз йиллик пахта тайёрлаш планини бажариб, бошқа хўжаликларимизга кенг йўл очди. Хўжалик кунига 2 процентдан ошириб пахта жўнатяпти. Эрта-индин Ислом шоир номли совхозимиз маррага етади. Шу совхознинг машҳур механизатори Усмон Мамадиёров шу кунгача машинада 500 тонна пахта терди. Унинг оилавий терим экипажи аъзолари бункерлардан тўккан пахта 1000 тоннага яқинлашиб қолди.

5100 тонна пахта тайёрлаши зарур бўлган «Москва» колхози саршунослари йиллиқ планни 60 процентдан ошириб адо этдилар. Кунига тайёрлов пунктига 3,5 процентдан юқори сорт пахта жўнатяптилар. «Победа», «Иттифоқ», Ленин номли колхозларнинг миришкор деҳқонлари ҳам мунтазам уч ярим процентдан пахта тайёрламоқдалар. Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, пахтазорларда мўл ҳосил етиштирилди. Астойдил ҳаракат қилинса, юз берган қолоқликни яқин кунларда тўла тугатиш мумкин ва тугатамиз.

Терим суръатини оширишда машиналарга катта умид боғлаяпмиз. Механизаторларимиз эса халқимиз ва партия ташкилотларининг ишончини ҳалол меҳнатлари билан оқламоқдалар. ютуқларни мустаҳкамлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Пахтазорларда 270 «зангори кема» тўла қувват билан ишлатиляпти. Т. Тўқсонов, И. Маҳмудов, Н. Эшқулов, С. Бобоқулов, С. Ғаффоров, У. Шодиев каби механизаторларимизнинг ҳар бирлари 7—10 тоннадан пахта териб, ўзгаларга ибрат бўлишяпти. Биз пахта тайёрлаш плани ва социалистик мажбурият бажарилгунча бирорта «зангори кема»ни пайкаллардан чиқармаслик, тўхтовсиз ишлатиш, юқори иш унумини таъминлашга қарор қилдик. Бунга сўзсиз эришамиз.

Районимиз бўйича 15 га яқин бригада йиллик пахта планини бажариб рапорт берди. Эрта-индин яна шунча бригада маррага етади. Б. Отақулов, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Р. Маҳмудова, Б. Доноев, К. Номозов, Э. Қурбонов ва бошқа пахта усталари бошчилик қилаётган бригадаларимиз ҳозирдаёқ гектаридан 33 центнердан 45 центнергача ҳосил олиб, биринчилардан бўлиб рапортга имзо чекдилар, гектаридан яна 15—20 центнердан ҳосил йиғиб-териб олиш учун курашмоқдалар. Район партия комитети, партия ташкилотларимиз уларнинг бой тажрибасини ҳамманинг мулкига айлантириш чораларини кўрмоқда.

Илғор бригадаларимиз ва хўжаликларимиз нечоғли ютуққа эришаётган бўлсалар, бунда механик-ҳайдовчиларнинг улуши катталигини алоҳида таъкидлашимиз керак. Районимиз пахта тайёрлашда орқада қолган кезларда машиналар яхши ишламади. Энди илғорликка интилаётган экан, бу машиналар ва механизаторлар шарофатидир. Район партия комитети, партия ташкилотларимиз ва механизаторлар орасида интизомни мустаҳкамламоқдалар. Ички резервларни унумдорликни оширишга сафарбар этмоқдалар. Социалистик мусобақани бутун чоралар билан кучайтирмоқдалар. Терим илғорлари меҳнатларига қараб қимматбаҳо саноат моллари билан мукофотланяпти. Илғор бригадалар, бўлимлар, хўжаликларга кўчма Қизил байроқлар берилянти. Улар шарафига байроқлар кўтарилянти. Айни кезда теримда қатнашмаётган ёки қатнашса ҳам нормаларини бажармаётган кишилар қаттиқ тартибга чақирилянти. Шундай қилмай иложимиз йўқ. Фурсат ўтяпти. Ҳозирги ғанимат кунларни кейинчалик олтинга ҳам топиб бўлмайди. Бугун ҳамманинг ўрни пахтазорда бўлмоғи, ҳамма баравар жон қуйдириб пахта термоғи керак. Бу борада ҳеч кимга имтиёз берилмайди.

Транспорт ходимларининг масъулияти оширилянти. Қўлда ва машинада терилган пахта шу қунинг ўзида юқори сифат билан тайёрлов пунктига жўнатиляпти. Иссиқгарчиликка қарши қаттиқ ўт очилган. Ҳар чаноқдаги пахта ҳисобда, унинг нобуд бўлишига сира йўл қўйилмайди.

Районимиз бўйича кунига йиллик планнинг 2,5 проценти миқдорида пахта тайёрланяпти. Афсуски, райониинг ўртача кўрсаткичидан орқада қолаётган хўжаликлар ҳам оз эмас. Биз бугун эътиборни ана шу нисбатан орқада қолаётганларни илғорлар сафига етказишга қаратяпмиз.

Нарпай райони ҳар йили пахта тайёрлаш давлат плани ва социалистик мажбуриятини бажариб келган. Бу йил ҳам анъанага содиқ қолиб, пахтакорлик бурчимизни шараф билан ўтаймиз! Самарқанд областининг пахтачиликдаги шуҳратини оширишга ўз улушимизни қўшамиз.

«ОҚ ОЛТИН» ТЕРИМИ ИЛҒОРЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР БЎЛСИН! УЛАРНИНГ НАМУНАСИ, УЛАРНИНГ ЮКСАК ОНГЛИЛИГИ ВА ТОЛМАСЛИГИ БОШҚАЛАРНИ ИЛҲОМЛАНТИРИБ, УЗЛАРИГА ЭРГАШТИРМОҚДА, ПАХТА ФРОНТИ ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ШОН-ШУҲРАТИНИ ОШИРМОҚДА.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатидан).



ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ. Толлимаржон районидаги «Самарқанд» совхозида ака-ука Норовлар билан бир қаторда Пардаевлар ҳам қалб амри билан пахта теришяпти. Нормамат Пардаев фарзандлари Норбой, Менгли, Жума билан мавсумда 1000 тоннадан зиёд «оқ олтин» териш мажбуриятини олган. Ота-болалар ваъдага вафо қилиш учун пахтазорда зарбдорчасига меҳнат қилишяпти. Суратда: Нормамат Пардаев (ўртада) фарзандлари Норбой, Менгли, Жума билан.

Ж. Тўраев фотолари.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ТАЙЁРЛОВ, ТРАНСПОРТ, ҚАЙТА ИШЛАШ ВА САВДО КОРХОНАЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ! ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТИНИНГ НОБУД БЎЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГИЗ!

ЕТИШТИРИЛГАН ҲАММА МАҲСУЛОТ ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА ФОЙДАЛАНИЛИШИ КЕРАК.

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

КЎПМИНГ КИЛОГРАММЧИЛАР

Балиқчи районидаги «Правда» колхозининг теримчиси Олиҳон СУЛТОНОВА мажбурияти — 15 тонна, бир кунда 180 килограмм. Мавсум бошидан буён терган пахтаси 12500 килограмм.

* * *

Олтинкўл районидаги «Коммунизм» колхозининг теримчиси Бувайча ҲАСАНОВА мажбурияти — 18 тонна, бир кунда 160 килограмм, мавсум бошидан буён хирмонга тўккан пахтаси 10,500 килограмм.

Пахтакорга ҳамма мададкор

СТУДЕНТЛАР ҲАШАРДА

Ҳамкорлик социалистик ишлаб чиқаришнинг афзал принципларидан. Шунинг учун ҳам шаҳар билан қишлоқ ҳамкорлиги, ишчи билан деҳқон ҳамкорлиги йил сайин тобора қудратли кучга айланмоқда. Катта хирмон кўтараётган чўқуварлар ҳузурига долзарб паллада шаҳарликларнинг ёрдамга келиши анъанага айланиб қолган. Ҳа, халқимиз бойлиги, эл-юрт нафтихори бўлган «оқ олтин»ни тезроқ йиғиштириб олишдан ҳаммамиз манфаатдормиз.

Тошкент шаҳридаги барча олий ўқув юртлари қаторидаги институтимиз студентлари ҳам ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили ҳосилини йиғиб-териб олишга ёрдам бериш учун ҳашарга чиқдилар. Улар Арнасой район далаларига бориб пахтанинг сўнгги граммларигача йиғиштириб олишда чўлқуварларга ёрдамлашмоқдалар. Биз бу йил саккиз минг тонна пахта териб беришга аҳд қилганмиз. Ҳашарга келган тўрт мингдан зиёд студентнинг ҳар бири кунига 75—80 килограммдан пахта теришга ҳаракат қилмоқда.

Юлиус Фучик ва Ворошилов номли совхозларда бизга яхши шароит яратиб беришган.

Институтимиз Тошкент давлат медицина институти билан мусобақадош. Республика партия-ҳукумати Мурожаатига жавобан коллективимиз пахтани янада тез ва тоза теришга ҳаракат қилмоқда. Д. Саидова, З. Маратов, Ш. Саидаҳорова, Б. Холтўраев, А. Чорнев сингари студентларимиз кунига 150—170 килограммдан пахта териб, кўпчиликка намуна бўлмоқда. Улар СССР ташкил топган кунинг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта деган шиорга далада ҳам амал қилишяпти.

Биз «оқ олтин»имизнинг сўнгги мисқолларигача йиғиб-териб олишда чўқуварларга беминнат мададкор бўламиз.

М. ШАРИФХЎЖАЕВ,
Халқлар дўстлиги ордени Тошкент халқ хўжалиги институтининг ректори, профессор.

МАТЛУБОТЧИЛАР НАМУНАСИ

Пахтакорлар йил бўйи қилинган фидокорона меҳнат эвазига етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини йиғиштириб олиш учун тунни кунга, кунни тунга улаб ишлаётган ҳозирги долзарб кунларда уларнинг хизматида бўлиш, узоғни яқин қилиб, қимматли вақтларини тежашга ёрдамлашиш хизмат кўрсатиш ходимларининг муқаддас бурчи бўлиб қолди.

Дўстлик райони матлубот ходимлари ҳам буни яхши англаб, пахтакорларга савдо хизматини намунали ташкил қилдилар. Йиғим-терим мавсуми учун ишлаб чиқилган тадбирлар изчиллик билан бажарилмоқда. Бу тадбирларда кўчма магазинлар ташкил этиш, савдо маданиятини ошириш, харидорлар талабларини мунтазам равишда ўрганиш ва уларни тўла қондириш кўзда тутилган.

Район матлубот жамияти бевосита далада меҳнат қилаётган пахтакорларга иш жойининг ўзида хизмат кўрсатиш учун учта автолавка ташкил этиб, уларни зарур товарлар билан таъминлади. Уларда озиқ-овқат маҳсулотлари, қишки кийимлар, кундалик эҳтиёж моллари бор. Сотувчилардан Ислом Султонов, Меливой Тожибоев, Имомқул Қурбонов автолавкаларнинг график бўйича ишлашини таъминлаш, пахтакорлар буюртмаларини беками-кўст бажариш билан харидорлар ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Матлубот жамияти ярим йиллик иш якунларига кўра Жиззах область матлубот союзи ва область касаба союзлари комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлган эди. Матлубот ходимлари Қизил байроқни қўлдан бермаслик учун курашиб, харидорларга намунали савдо хизмати кўрсатмоқдалар. Натижада 9 ойлик план ортиғи билан адо этилди. Пахтакорларга 10 миллион 291 минг сўмлик ўрнига 10 миллион 522 минг сўмлик хилма-хил товарлар сотилди.

Матлуботчилар йиғим-терим вақтида янги ташаббус билан чиқдилар. Улар ғайёрлов идораси орқали сабзавот, мева, узум, қовун-тарвуз харид қилиб, далада ишлаётган пахтакорларга етказиб бермоқдалар.

Т. УНАБОЕВ.

РЕДАКТОР КОЛОНКАСИ

КЎЧАТ ЭКИШ ОЙЛИГИ

1980 йил кузи, 1981 йил баҳорида республикада анъанавий кўчат ўтқазиш ойлиги муваффақиятли якунланди. Бунда аҳолининг ҳамма табақалари иштирок этди. Жами 217 миллион дона кўчат ўтқазилди. 7,6 минг гектар майдонда мевали боғ, 123 минг гектар ерда токзор ташкил қилинди. Республика бўйича белгиланган план 145 процент адо этилди. Ипак қурти озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида 111 миллион дона тут кўчати ўтқазилди. Самарқанд, Андижон, Сирдарё, Бухоро областлари, Социал таъминот, Маҳаллий саноат, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, Тайёрлаш министрликлари, Ўзбекистон ССР Граждан авиацияси бошқармаси белгиланган топшириқларни анча ошириб бажарди.

Бироқ Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Наманган, Сурхондарё, Тошкент, Қашқадарё областларида кўчат ўтқазиш топшириғи айрим турлари бўйича бажарилмади. Баъзи хўжаликларнинг раҳбарлари «кузги топшириқни баҳорда, баҳорги топшириқни кузда бажарамиз» деб ўзларини ўзлари алдамоқдалар. Баҳорги кўчат ўтқазиш апрель ойининг охири, май ойининг бошларигача чўзиб юборилянти.

Қатор хўжаликларда иноҳоллар ўтқазиш учун ерни вақтида тайёрлаш, ўғитлашга кам эътибор берилади. Бепарволик орқасида иноҳолларнинг бир қисми қуриб қоляпти, чорва моллари пайҳон қиляпти. Бундай камчиликларга қайта йўл қўймаслик керак.

1981 йил кузи ва 1982 йил баҳорида анъанавий кўчат ўтқазиш ойлиги давом эттирилади. 164 миллион дона турли кўчатлар ўтқазиш кузда тутилянти. Шундан 1981 йил кузида 38,9 миллион дона, 1982 йил баҳорида 125,6 миллион дона мевали, манзарали кўчатлар, ток, тут ва ниҳта дарахт кўчатлари экилади. Партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари белгиланган топшириқни тез кун ичида ижрочиларга етказишлари, масъул кишилар ажратишлари керак.

Кўчатлар ўтқазиш учун участкалар ажратиш, ерининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ўғитлаш, айниқса сизот сув ва шўрни камайтиришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Иноҳоллар энг яхши агротехника муддатларида экилиши, куз фаслида биринчи галда мевали дарахт кўчатлари, токлар ўтқазилиши лозим. Ўтқазилган кўчатлар, уларнинг қўқариш даражаси ҳақида ҳисоб-китоб ишлари аниқ олиб борилиши керак. Ҳосил ҳар туп иноҳолдан олинади. Шундай экан, хўжаликларнинг раҳбарлари ўтқазилган кўчатларнинг тўла қўқаришини таъминлашлари, камчиликка йўл қўйилган тақдирда қўшимча чоралар кўриб, нўкармаган иноҳоллар ўрнини зудлик билан тўлдириш тадбирларини амалга оширишлари зарур. Тўла гектар ва кўчат сонининг бутлиги учун кураш мўл мева ва узум ҳосили учун кураш демакдир.

Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик-узумчилик ва ноқочилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, республика Қишлоқ хўжалиги, Ўрмон хўжалиги, Коммунал хўжалик, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари мевали, ток ва манзарали кўчатлар тайёрлашни кескин кўпайтириш чораларини кўрмоқдалар. Кўчат нечоғли кўп ва сифатли тайёрланса, самарадорлик шунча юқори бўлади.

Кўчатлар тайёрланиши, ер участкалари ажратилиши улкан ишнинг бошланишидир. Топширилган иш тақдири учун кадрларнинг масъулиятини ошириш, барча тармоқларга комплекс механизация ва химизацияни кенг жорий этиш керак. Айниқса сув таъминотини яхшилаш биринчи ўринга қўйилмоғи керак. Шунга эришиш керакки, суғориладиган ерларда ҳам, шартли суғориладиган ерларда ҳам, тоғ бағри ва чўл зоналари, йўллар, сув иншоотларининг қирғоқлари — ҳамма жойда экилган кўчатларнинг тўла ва бехато кўкариши, тезроқ ҳосилга кириши таъминлансин!

Кузги кўчат ўтқазиш ойлигини ҳамма жойда пухта ташкил этиб, намунали ўтказайлик!

ТЕРИМ ЗАРБДОРЛАРИ

Дўстлик районидаги Ленин номли совхозда механизаторлар мусобақасида Эргаш АБДУЛЛАЕВ пешқадамлик қиляпти. У бир кунда 10 тонна, мавсум бошидан буён 318 тонна «оқ олтин» терди. Қосим Раҳимов номли совхоз механизатори Муҳаммад АҲМЕДОВ агрегати бункеридан 246 тоннадан зиёд пахта тўкишга эришди.

* * *

Октябрь районидаги Собир Раҳимов номли совхозда оилавий экипаж аъзолари ака-ука Худойберди ва Сандмурод ФАЙЗУЛЛАЕВлар номини ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Файзуллаевлар мавсум бошидан буён «зангори кема»лар бункеридан 340 тонна пахта тўкиб, хирмонга барака киритдилар.

* * *

Арнасой районидаги Юлиус Фучик номли совхознинг механизатори Марқабой ЖУМАБОЕВ тўрт юзинчи тонна ҳисобига пахта тера бошлади. У кунига агрегати бункеридан 10 тонна «оқ олтин» тўкяпти.

* * *

Пахтачи районидаги Охунбобоев номли колхозда илғор механизаторлар кўп. Муҳаммади ОБЛОҚУЛОВ ана шуларнинг бири. У терим агрегатини юксак унумда ишлатиб, мавсум бошидан буён 288 тонна «оқ олтин» терди. Калинин номли колхоз механизатори Санақул ЭШСАВЛАТОВ 269 тонна, Киров номли колхоз механизатори Усмон РАЖАБОВ хирмонга шу кунгача 250 тоннадан зиёд пахта тўкиб, механизаторлар мусобақасида байроқдорлик қилишяпти.

* * *

Гулистон районидаги «Октябрь» колхози механизатори Абдували ҚУЛДОШЕВ бугунги кунгача 200 тоннага яқин пахта тўкиб, хўжаликда энг илғор механизаторлар қаторидан ўрин олди. Маҳмуд МАТҚУЛОВ, Нурмат АҲМАДЖОНОВ ва Жамисар РАСУЛОВ сингари механик-ҳайдовчилар ҳам кунига ўз агрегатлари бункеридан 8—10 тоннадан «оқ олтин» тўкишга эришмоқдалар.

КУЗ ҲАВОСИ ЭРКАЛАТМАЙДИ

ҚҚАССР

ХУЖАЙЛИ РАЙОНИДАГИ ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗ ЙИЛЛИК ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ 70 ПРОЦЕНТ БАЖАРДИ. КУНИГА 4 ПРОЦЕНТДАН ПАХТА ТАЙЁРЛАЯПТИ.

Колхозимиз Қорақалпоғистон автоном республикасида пахта тайёрлашда олдинги ўринлардан бирида боряпти. Бу йил 1222 гектар майдонда пахтадан мисли кўрилмаган даражада юқори ҳосил етиштирдик. План бўйича гектаридан 38,5 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришимиз керак. Ҳосил чўғини чамалаб кўриб 60 центнерлик маррани эгаллашга қарор қилдик. Бу ваъда эмас, балки яқин кунларда ғарозига қўйилиб, давлатга топширилаётган қиймматбаҳо хом ашёдир.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатида ҳамма пахта теримига даъват этилган. Бугунги кунда ҳаммамизнинг пахтакор деган умумий ва фахрли номимиз бор, дейлиди Мурожаатда. Ватан биздан жасорат кутмоқда. Машина штурвалини бошқаришга, этак тутишга қодир ҳар бир киши пахта теримчилари сафига ўтиб, тўла самара билан ишлаши керак. Ҳамма куч-қувватларни «оқ олтин» теримига сафарбар этайлик!

Колхозимиз пахтакорлари, қўшнимиз Таҳиатош шаҳри ишчи хизматчилари — ҳамма бир жон, бир тан бўлиб пахта теримини жадаллик билан давом эттирмоқда. Шу кунгача йиллик планимизда 70 процентдан оширдик. Лекин бу рақам жуда тез ўзгаряпти. Ҳар куни давлат тайёрлов пунктига 4 процент ва ундан ошириб пахта жўнатяпмиз.

Механизаторларимиз теримда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўп, сорти юқори пахта тераш, иш унумини соат сайин ошириб бориш уларнинг жанговар шиорига айланди. Шуни айтиш керакки, хўжалигимиз бўйича тайёрланадиган пахтанинг 80 процентини машиналарда териб оламиз.

Шу кунгача пахтачилик бригадаларидан еттитаси йиллик пахта тайёрлаш планини бажарди. Ўра Бекжонов, Отам Аминов, Файзулла Холилаев, Қилирбой Қиличевлар бошлиқ бригадаларининг пахтакорлари бугунгача ҳар гектар ердан 43,5 центнердан «оқ олтин» топшириб, маррага биринчилардан бўлиб етиб келди. Тўлаш Ашуров, Палта Дурдиметов, Қобил Жуманов бошлиқ бригадаларнинг пахтакорлари ҳам терим суръатини тобора ошириб, пландан ташқари пахта топшириқмоқдалар. Хўжалигимиз бўйича 24 та пахтачилик бригадаси бор. Уларнинг ҳаммаси планнигина эмас, мажбуриятларини ҳам ошириб адо этиш учун курашмоқдалар. Колхозимиз бўйича 60 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилган эканмиз, юқори ҳосилли бригадаларимиз 65 — 70 центнерлик чўққига кўтариладилар.

Механизаторлар мусобақаси тобора кучайтириляпти. 38 та «зангори кема» тўхтовсиз ишлатиляпти. Механизаторларнинг ҳаммаси кунлик графикларни ортиғи билан бажаришяпти. Ешнеа Алеешов, Ботир Ўрозов, Раимбой Олломберганов, Худойберган Ўрозов, Жумагул Назаримбетова каби дарғалар кунига бункерлардан 6—7 тоннадан юқори сифатли пахта тўкмоқдалар. Машиналарда терилган пахтанинг ҳаммаси юқори сортларга қабул қилиняпти.

Механизаторлар ва теримчилар орасида қаттиқ интизом ўрнатдик. Уларнинг ҳаммалари теримга эрта чиқадилар, тунда шабнам тушгунча теримни давом эттирадилар. Дала меҳнатчиларининг унумли ишлашлари учун ҳамма шароитларни яратиб берганмиз. Социалистик мусобақа бутун чоралар билан кучайтириляпти. Натижада суръатга суръат қўшилиб, пахтакорларимиз тобора марра сари яқинлашмоқдалар.

Теримчиларнинг фидокорлиги «оқ олтин» хирмонини юксалтиришда катта роль ўйнаяпти. 300 теримчи кўпмингкилограммчилик ҳаракатига қўшилди. Ўрозгул Бойжонова, Омонгул Сафарниёзова, Қизларгул Жуманиёзова, Бозоргул Хаббиева, Ўғилжон Холбоевалар мавсумда 12—15 тоннадан пахта териб мажбуриятини олган эдилар. Улар шу кунга қадар 8—9 тоннадан ошириб пахта тердилар. Кунига хирмонга 180—200 килограммдан пахта топшириқмоқдалар. Кейинги беш кунликда барча теримчилар графикларни ошириб бажардилар. Энг муҳими сортнинг юқори бўлишини таъминладилар.

Таҳиатош шаҳар саноат корхоналарининг ишчи-хизматчилари, мактабларнинг ўқувчилари ҳам ёрдамга этландилар. Улар теримчиларимиз билан бир сафда туриб, нормани ошириб бажармоқдалар. Колхозимиз бўйича йиллиқ пахта тайёрлаш планини 23 октябрь куни бажарамиз. 60 центнерлик ҳосил маррасини Улуғ Октябрь байрами кунигача шараф билан адо этамиз.

Р. ҲАСАНОВ,
Хўжайли районидаги Ленин номли колхоз раиси.

ДАЛАДА САВДО

Маиший мавзуда

Қашқадарё

Қамаши райони матлубот жамияти коллективи қишлоқ меҳнат аҳлига савдо хизмати кўрсатишни намунали ташкил этмоқда. Съездлар йилининг ўтган тўққиз ойи мобайнида аҳолига 20 миллион 424 минг сўмлик ўрнига 20 миллион 715 минг сўмлик савдо хизмати кўрсатилди. Пландан ташқари харидорларга 291 минг сўмлик ҳар хил моллар етказиб берилди.

Шу кунларда кооператорлар бу йил она-Ватанга 50 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун жонбозлик билан меҳнат қилаётган район колхоз ва совхозларининг дала меҳнаткашларига намунали савдо хизмати кўрсатмоқдалар.

Район матлубот жамияти правлениеси йиғим-терим мавсумида пахтакорларга савдо хизмати кўрсатиш юзасидан муҳим тадбирларни белгиларди эди. Далаларда савдо-сотиқ ишлари ана шу тадбирлар асосида ташкил қилинмоқда. Мавжуд 68 та магазин, 23 та аралаш моллар дўконлари, 16 комиссион ларёкларнинг иш куни узайтирилди ва улар дала заршунослари-нинг эҳтиёжларига лойиқ моллар билан таъминланди.

Маълумки, пахта тозалаш заводи ва қабул пунктларида иш кечаю кундуз олиб борилди. Шунга кўра пахта заводи ва пахтани қабул қилиш пунктларида тўртта ошхона ошпазлари лаззатли таомлар тайёрлаб ҳўрандаларни мамнун этишмоқда. Шунингдек, район матлубот жамиятига қарашли 12 новвойхона пахтакорларга узлуксиз нон етказиб берастир.

Шуниси диққатга сазоворки, колхоз ва совхозларда 10 та кўчма ва дала шийпонларида 11 та сотувчисиз магазинлар ташкил этилиб, харидоргир моллар билан таъминланди. 6 та автомагазин сотувчилари эса тез-тез пахтазорларда бўлиб, график асосида колхоз-совхоз меҳнат аҳлига, ёрдамчиларга озиқ-овқат, саноат, моллари, пойабзал, иссиқ кийим-кечак ва уй-рўзғор буюмлари сотаётирлар.

— Кооператорларимиз бу йилги йиғим-терим мавсумида, — дейди район матлубот жамияти правлениесининг раиси С. Маматов, — далада ишлаётганларга 4.5 миллион сўмлик савдо хизмати кўрсатишмоқчи. Қишлоқ меҳнаткашларига кундалик зарур моллардан ташқари илғор теримчиларга сотиш учун 5 минг дона махсус совға ҳам тайёрлаганмиз. Шундан ҳозиргача 2 мингтаси чевар теримчиларга мукофот тарзида хўжаликлар ҳисобидан сотиб олиб берилди.

Пахтакорларга намунали хизмат кўрсатишга 300 дан зиёд савдо ходими сафарбар этилган. Улар орасида автолавкачилардан республикада хизмат кўрсатган савдо ходими Омонтурди Саидов, совет савдоси аълочилари Раҳмат Жумаев, Умрзоқ Бозоров, Ҳайдар Расулов, сотувчилардан Бойназар Алимардонов, Элмурод Темиров, Менгли Хушвақтов, Чори Пардаев каби ўз касбининг моҳирлари бор. Улар пахтакорларнинг унумли ишлашлари учун тегишли шароит яратмоқдалар.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПАХТАЗОР ГВАРДИЯЧИЛАРИ

Амударё районидаги «Партия XX съезди» колхози механик-ҳайдовчиси Етмиш АСҚАРОВ ва Шукрулло ЖУМАМУРОТОВлар кунига 9—13 тоннадан, мавсум бошидан буён 103—115 тоннадан пахта теришди. Мажбуриятлари 300 тоннадан.

* * *

Ульянов районидаги 18-совхозимиз механик-ҳайдовчиси Раҳим АШУРОВ ўз агрегати бункеридан кунига 10 тоннадан «оқ олтин» тўкяпти. У мавсум бошидан буён 220 тоннадан зиёд пахта терди.

Чет элларда

ТИНЧЛИК ТАШАББУСЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Совет Иттифоқи олга сурган тинчлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳаракати бутун дунёда тобора кучаймоқда. Ғарбий Германия, Англия, Франция, Бельгия, Голландияда ва бошқа мамлакатларда ўтказилаётган ҳамда ўтказиш мўлжалланаётган урушга қарши кучли намойишларда нейтрон бомба тақиқлансин, Американинг янги ядро ракеталари Европа тупроғига келтирилишига йўл қўйилмасин, қуролланиш пойгаси тўхтатилсин!, деган талабларни қатъий қилиб қўймоқдалар.

Ядро уруши хавфини бартараф этиш юзасидан Совет Иттифоқининг ташаббуси билан ўртага қўйилган масалалар БМТ Бош Ассамблеяси XXXVI сессиясидаги умумий сиёсий мунозаралар чоғида асосий ўринни эгаллади. БМТга аъзо бўлган давлатларнинг мунозарада сўзга чиққан кўпчилик вакиллари ядро халокатининг олдини олиш тўғрисидаги Совет таклифини ва шу масала юзасидан Совет Иттифоқи тақдим этган Декларация лойиҳасини астойдил қўллаб-қувватладилар.

Мунозара давомида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, мазкур ташаббуснинг актуаллиги АҚШнинг ҳарбий ва ядровий устунликка эўр бериб уринаётганлиги ва Пентагон ядро урушига «йўл қўйиш мумкин» деган доктринани тарғиб этаётганлиги натижасида халқаро вазият кескинлашиб кетганлиги билан белгиланади. Эфиопия ташқи ишлар министри Ф. Гедле-Георгис ўз нутқида шуни таъкидладики, АҚШ дунёни инсониятнинг қириб кетишига олиб борадиган томон судрашига йўл қўймаслик — БМТнинг бурчидир.

Америка делегацияси сессияда БМТни ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемаларини, биринчи навбатда қуролсизланиш масалаларини муҳокама этишдан чалғитишга, жаҳон ҳамжамиятига ўзининг кун тартибини тиқиштиришга уриниб кўрди. Бу ҳунук найранглар муваффақиятсизликка учради. АҚШ вакилларига БМТ минбаридан Вашингтоннинг милитаристик сиёсатини қоралаб айтилган кўпгина кескин сўзларни эшитишга тўғри келди.

13 октябрь куни Прагада тугаган жаҳон хотин-қизлар конгрессида тинчлик ва ядро халокатининг олдини олиш учун курашда биргаликдаги ҳаракатлар программасини қўллаб-қувватлаган салмоқли овоз баралла янгради. Конгресс шу ҳаракатда иштирок этаётган 130 мамлакатнинг миллионлаб хотин-қизларига номидан жаҳон хотин-қизларига Чақириқ қабул қилди. Чақирикда жумладан бундай дейилади: «Қуролланиш учун ҳар минутда бир миллион доллар сарфланмоқда. Ҳаётий муҳим ресурслар қуролланиш пойгасига исроф қилинаётганлиги натижасида миллионлаб кишилар — хотин-қизлар ва болалар азоб чекмоқдалар, оч яшамоқдалар ва ҳалок бўлмоқдалар. Ана шу қуролланиш пойгаси ҳар куни кишилардан озиқ-овқатни, кийим-кечакни, касалхоналарни, мактабларни, иш жойларини тортиб олмоқда. Ғоят катта ҳарбий ҳаражатлар хотин-қизларни ўз ҳуқуқларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлардан маҳрум қилмоқда».

Планетамиздаги хотин-қизлар бошқа миллионлаб тинчлик тарафдорлари билан биргаликда қуролланиш пойгасига қарши, ядро урушининг олдини олиш учун курашда ўз сафларини жипслаштирмоқдалар.

Г. ШИШКИН.
(ТАСС).

Г. ХОЛЛНИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК. Рейган маъмуриятининг милитаристик сиёсатига қарши қаратилган тинчлик ҳаракати Европа қитъасида тобора оммавий миқёсда кенгайиб бормоқда, деди АКШ Компартиясининг Бош секретари Г. Холл. Америка коммунистларининг раҳбари Европа мамлакатлари бўйлаб қилган сафаридан қайтиб келганидан сўнг Нью-Йоркда сўзлаган нутқида Қўшма Штатлар тиқиштираётган қуролланиш пойгасига қарши норозилик кампанияси доирасида бутун Ғарбий Европада ўтказилаётган юришлар, намойишлар, митинглар ва конференцияларда юз мингдан кишилар қатнашмоқдалар, деб таъкидлади. Европа халқлари, деб уқтирди Г. Холл, Вашингтоннинг шу мамлакатларда Американинг ўртача олисликка учадиган ядро ракеталарини, шу жумладан модернизацияланган «Першинг-2» баллистик ракеталарини жойлаштириш режаларига тобора актив қарши чиқмоқдалар. (ТАСС).

МАДРИД. Испанияда испан халқининг хоҳиш-иродасига хилоф равишда мамлакатни НАТОга тортишга уринаётган ҳукумат сиёсатига қарши норозилик ҳаракати тобора кенгаймоқда. 250 мингдан ортиқ испан граждани «Испания — НАТО» масаласи бўйича умуммиллий референдум ўтказилишини талаб этувчи мурожаат остига имзо чекди. СУРАТДА: умуммиллий референдум ўтказилишини талаб этувчи мурожаат остига имзолар тўплаш.

ЭФЭ—ТАСС фотоси.

ПЛЕНУМ ЎЗ ИШИНИ ТУГАТДИ

ВАРШАВА, 18 октябрь. (ТАСС). ПБИП Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми мамлакатнинг сиёсий аҳволини ҳамда партиянинг ПБИП фавқулодда IX съезди қарорларини рўёбга чиқариш соҳасидаги вазифаларини муҳокама қилди. Докладни муҳокама қилиш давомида пленумда сўзга чиққан нотиқлар ПБИП IX съездининг мамлакатда социализмни ҳимоя қилиш соҳасидаги қарорларини амалга ошириш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилмаётганлиги учун ПБИП раҳбарларини танқид қилдилар.

Пленум якдиллик билан программавий қарор қабул қилиб, унда иқтисодий вазиятни анализ қилиш асосида партиянинг барча аъзолари, партия ташкилотлари, ПБИП органлари учун вазифаларни белгилаб берди.

ПБИП Марказий Комитети шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлар оммасига мурожаатнома қабул қилди. Мамлакат ва экономиканинг тақдири учун, мамлакат муаммоларини социализм принципларига мувофиқ бартараф этиш учун масъулият туйғуси шу мурожаатни қабул этишни тақозо қилди, деб таъкидланади унда.

Ташкилий масалаларни муҳокама қилиш чоғида С. Каня пленумга мурожаат этиб, ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари вазифасидан озод қилишни илтимос қилди. ПБИП Марказий Комитети бу илтимосни қондирди.

Пленум ўрток Войцех Ярузельскийни ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари қилиб сайлади.

В. Ярузельский пленумда сўзлаган нутқида бундай деди: Мени партия янги иш соҳасига юборганини яхши тушунаман. Ҳозирги пайтдаги энг муҳим проблема вазиятни ўзгартириш ва яхшилаш, тангликни бартараф этиш, социалистик давлатни мустаҳкамлаш хусусидаги умидлар рўёбга чиқарилишидан иборат.

ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Польшанинг СССР ва бутун социалистик мамлакатлар билан иттифоқининг бебаҳо аҳамиятини таъкидлаб ўтди.

Пленум ўз ишини тамомлади.

ҚЎШМА АХБОРОТ

ХАНОЙ. Вьетнам Социалистик Республикаси билан Фаластин Озодлик ташкилоти КПСС XXVI съезди ишлаб чиққан 80-йилларнинг Тинчлик программасини, СССРнинг БМТ Бош Ассамблеяси ҳозирги сессиясидаги тинчлик ташаббусларини, жумладан, «Ядро ҳалокатининг олди олинсин» декларация лойиҳасини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайдилар. Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафат бошчилигидаги Фаластин Озодлик ташкилоти делегациясининг ВСР га қилган расмий дўстлик визити якунлари тўғрисида бу ерда эълон қилинган ахборотда шундай дейилган. Совет Иттифоқининг таклифлари халқаро вазиятни соғломлаштириш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун катта аҳамиятга эга эканлиги ҳужжатда уқтириб ўтилган. (ТАСС).

ЯҚИН ШАРҚДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ЛОНДОН, 19 октябрь. (ТАСС). Матбуот хабарларига қараганда Мисрдаги вазият нотинч бўлиб турибди. Бутун мамлакатда режимга қарши бўлган кишилар оммавий равишда қамоққа олинмоқда. «Садат ўлдирилгандан буён, — деб ёзади «Санди телеграф» газетаси, — Миср Араб Республикасида сўл кучлардан 200 киши ва турли диний ташкилотларга мансублиқда гумонсиралган мингдан ортиқ киши қамоққа олинди».

Ахборот агентликларининг хабар қилишича, Нил дарёси этагидаги Ал-Мансур шаҳрида кескин аҳвол вужудга келди. Шаҳар кўчаларида кучайтирилган полиция нарядлари соқчилик қилиб юрибди, солдатлар шаҳарга кириб келаётган ҳамма автомашиналарни синчиклаб тинтув қилмоқдалар.

Президент Муборак Қоҳирада мамлакат давлат аппаратининг турли бўғинлари раҳбарлари билан кетма-кет кенгашлар ўтказди. Вилоятларнинг ҳокимлари билан бўлган учрашувда у маҳаллий маъмуралар режимга қарши бўлган кишиларга нисбатан «ҳеч қандай раҳм-шафқат қилмасликка» чақирди.

НЬЮ-ЙОРК, 19 октябрь. (ТАСС). Садатни ўлдириш мақсадида тайёрланган фитнанинг бир учи армияга бориб тақалади, деб уқтиради Ассошиэйтед Пресс агентлиги Миср пойтахтидаги хабардор манбаларга асосланиб. Агентликнинг хабар қилишича, Қоҳирада ўтган сешанба куни бўлган отишма вақтида полиция подполковник Абу Абдул Латиф аз-Зумрни қўлга туширди. У армия разведкасида масъулиятли лавозимда ишлаган бўлиб, энг маҳфий ахборотни билиб турар эди. Садат ўлдирилишидан бир неча ҳафта илгари аз-Зумр қочиб бўлган эди. Ҳозирги вақтда, деб уқтиради агентлик, унинг Садатни ўлдиришга бошчилик қилган группанинг бевосита раҳбари катта лейтенант ал-Истанбулий билан алоқасини аниқлаш мақсадида подполковник «зудлик билан сўроқ» қилинмоқда.

Ассошиэйтед Пресс агентлиги Миср маъмурларининг Садат парад вақтида жароҳатлэнган эди ва ҳарбий госпиталга келтирилгандан кейин вафот этди, деган расмий хабарини рад қилади. Садат ўша жойнинг ўзида ўлдирилган эди, госпиталга эса 28 та ўқ тегиб илма-тешик бўлиб кетган жасади келтирилди, бу ўқларнинг анчагина қисми юракка ва унинг атрофига теккан эди, деб хабар қилади агентлик. Маъмурлар президент ўлганлигини ораден бир неча соат ўтгандан кейингина эълон қилдилар.

ҚОҲИРА, 19 октябрь. (ТАСС). Миср Араб Республикаси миллий-тараққийпарвар (сўл) партияси активларининг Ал-Мансурда бўлиб ўтган кенгаши қатнашчилари АКШ маъмуриятининг Миср ички ишларига ошкора аралашувини қоралидилар. Бу кенгаш миллий тараққийпарвар (сўл) партиянинг бош секретари Холид Моҳиддин раислигида ўтди.

ТРИПОЛИ, 19 октябрь. (ТАСС). Умумараб халқ конгресси доимий секретариатининг бу ерда ўз ишини тамомлаган навбатдаги ташқари сессияси БМТ Бош секретарини Американинг Яқин Шарқдаги қуролли кучлари қўлайтирилишини ғўҳатиш, региондаги Америка базаларини тугатиш, Вашингтоннинг Миср ички ишларига қўпол аралашувига чек қўйиш учун куч-ғайрат сарфлашга чақирди. Умумараб халқ конгрессининг доимий секретариати Африка Бирлиги ташкилотини Мисрда демократик эркинликлар тикланишига ва бу мамлакатдаги сиёсий маҳбуслар озод этилишига кўмаклашишга, унинг территориясидаги Америка ҳарбий базалари тугатилишини талаб қилишга даъват этди.

ОМБОРЧИ ҲАНГОМАСИ

Бошқасини қўяверингу, аммо шуниси зўр чиқиб қолди. Узи бундоқ қараганда кўримсиздай, тилга олса оғиз чучимайдигандек иш бўлгани билан кирими бинойидай экан. Унинг шунақалиги кимнинг хаёлига келибди дейсиз. Аввллари нима, омборчи дегани ерда ётган тўнкамидики, уни ёриб-ёриб ўчоққа қалесангу, алангасига ош дамласанг, деб баъзи нодонлар лаббларини чўччайтириб қўйишар, даромад ҳақида оғиз кўпиртириб кетишарди. Ундайларнинг назарида: «Омборчилик ҳам ишмиди, ундан сув дўконида ишлаган маъқул, ҳар ҳолда танга-чақа тушиб турадиг». Ростини айтганда бунақа гаплар оғзида қулфи йўқ, чучварани хом санайдиган одамлардан чиқади. Омборчилик ҳам ўзига яраша топармон-тармонли ишлигини улар қаёқдан билишсин. Мана, Тошкентдаги Фрунзе савдо маркази омбор мудири Зуфаржон Пўлдошев ҳам кўп йиллардан бери шу касбни тутиб келиб кам бўлаётгани йўқ. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди:

— Корним тўқ, эгним бут, чўнтагим тўла пул. Пул бўлса бел боғувват бўлади. Баъзан тушаётган пулнинг ҳисобини ўзим ҳам ололмай қоламан. Негаки, тушунадиган одамлар магазинга эмас, тўғри ҳузуримга келишади. «Хўш, ака-си, сизга нима керак, кўйлакми, костюм-шимми, тортинмай айтаверинг» дейман. Орқа эшикдан кирганн учун 75 сўмлик костюм-кўйлакка 85 сўм олсем ҳам ғинг демайди. Қайтага иши битганидан оғзи қулоғига етиб минг марталаб раҳмат айтиб чиқиб кетишади.

АЖАБ САВДОЛАР

Тунов куни ҳисоб-китоб дафтаримни варақлаб ўтирувдим, эшикдан Хайрулла Имомов кириб келди. У кишини танийсиз, қўлимизда ишлайдиган ўтли-шудли ходимлардан. «Кел, ука, хизмат. Яна кимни бошлаб келдинг?» десам, «Ўзимизнинг одамлар, мол сўраб келишибди. Сизга уларни таништириб қўймоқчийдим» дейди.

— Майли, уларни бу ёққа олиб кира қол. Эшикда туриб қолишмасин.

Омборга бир қиз бола билан жувон кириб келишди. Қизнинг оти Ольга Зубенко, «Гўзал» фабрикасида ишларкан. Жувоннинг исми эса Нина Доличенко, ҳамкасб эканмиз. Нинахон мебель фабрикасида омбор мудири бўлиб ишларкан.

— Хўш, хизмат, яхши қизлар — дедим уларга, —менда қандай ишларинг бор эди?

Биринчи бўлиб гапни Нинахон бошлаб берди:

— Зуфаржон ака, эшитдик, анча-мунча одамларнинг ҳожатини чиқараётган эмишсиз. Бизга ҳам импорт мол берсангиз, деб келгандик, — деди у сумкасини очаркан. Қарасам, сумкада пулнинг энг майдаси йигирма бешталик. Булардан тайинли иш чиқадигенга ўхшайди. Гапни чўзиб ўтирмай уни Ояхон билан чет эл моллари эшириб кўйилган хонага бошлаб кирдим:

— Қалай, бўладими?

Нинахоннинг кўзлари ёниб кетди:

— Бўлганда қандоқ, энг инжиқ аёллар ҳам буни кўзларига суртиб олишади-ку, — қувониб кетди Нинахон. Кейин уларнинг ҳар биридан беш-ўн жуфтдан беришни сўради.

Айтганини қоғозга ўраб бердим. 180 сўмлик чиқди. Хона холи қолганида санаб кўрсам хизмат ҳақи деб 40 сўм ортиқ ташлаб кетган экан. Олядан колган 26 сўмни ҳам қўшсам 66 сўм бўлди. Кечгача шунака тушиб турса... Ҳа, майли, умидли дунё... Ишқилиб Нина билан Ольга ўхшаган мижозларим омон бўлишин.

Баъзан-баъзан уйқумда алаҳжалаг тушлар кўриб чиқаман. Гоҳ бозорними-ей, Оля билан Нинага ўхшаган олиб-сотарларними-ей, уларни қувлаб бораётган аллакимларними-ей кўриб қўрқиб кетаман. Тағин ўшаларнинг битта-яримтаси қўлга тушиб «Бу моллари қаердан олгансан?» деб сўраб қолишса, «Фрунзе савдо марказининг омбор мудири Зуфаржон акамдан» деб гуллаб қўйишса-я. Уйқум ўчиб, ўйлаётганлар билан қандай тонг оттирганимни, ишхонага қандоқ етиб келганимни ҳам билмай қоламан. «Кирим-чиқим» дафтарини қайта-қайта варақлаб яна ваҳимага тушаман. Негаки, магазинга чиқарилиши лозим бўлган камёб молларнинг ярмидан кўпини омбордан пуллаб бўлибман. 19 минг 704 сўмлик бозорбоп молларни эса кўздан ғойиб жойда сақлаб қўйибман.

Сизга ёлғон, менга чин. Узимдан ўтганни ўзим биламан. Аммо ўрганган кўнгил экан. Шундай қилмасам худди қалтироқ тургандай сезаман ўзимни. Бу Ояхон билан Нинахонга бир нарса бўлмадимикин, ҳалигача дарак йўқ. Бозор-ўчарнинг одамлари иш қилиб тинч-омон бўлишсин-да!

...Ана, энди фаҳмладингизми, омборчилик зўр иш эканми? Унинг олдида магазинчилар ҳам ип эшолмай қолишади. Бироқ гапнинг рости бу ишнинг ўзига яраша ташвиши ҳам бўлади. Чунки қинғир иш-да, қийғи чиқишдан чўчиб, man-man деган омборчи ҳам егани ичига тушмай Зуфар Йўлдошев сингари на уйқуда, на ўнгида ҳаловати бўлади. Айниқса чайқовчи мижозлари кўлга тушиб, сирлари очиладиган бўлиб қолганида бошини қаёққа уришни билмай қолишади. Нима бўлганда ҳам текин томоқ тешиб чиқади-да.

М. МАННОНОВ,
Н. АЛИМОВ.

СПИДФРУТ

ШАХМАТ:

ҚИЗҒИН ЖАНГЛАР

Шахмат бўйича Италиянинг Мерано шаҳрида ўтаётган жаҳон чемпионати баҳсларида А. Карпов билан даъвогар Корчной ўртасидаги матчда еттинчи партия нихоясига етди. Бунда томонлар 31-юришда дурангга рози бўлдилар. Баҳсда ҳозирча ҳисоб 3:1 Олдинда жаҳон чемпиони А. Карпов.

САМБО:

ҒОЛИБЛАР САФИДА

Москва самбочилар командаси курашнинг шу тури асосчиларидан бири А. Харлампиев хотирасига бағишлаб пойтахтдаги «Крылья Советов» спорт саройида нихоясига етган Бутуниттифоқ турнирида биринчи ўринни эгаллади. Узбекистон терма командаси иккинчи, Грузия спортчилари учинчи ўринни олдилар.

Шахсий мусобақаларда вазн категорияси бўйича москвалик Радиф Аптиксев, тошкентлик самбочилардан Равшан Аҳмаджонов ва Бобомурод Файзиев, москвалик Виктор Астахов, олмаоталик Николай Морозов, клайпедалик Геннадий Ботов, тбилисилик Нодар Малвеншвили ва Давид Магалдадзе, самарқандлик Равшан Ғуломов ва олмаоталик Юрий Малиновский ғолиб чиқдилар.

Халқаро ҳаваскорлар кураш федерацияси бутунжаҳон самбо комитетининг қарорига мувофиқ шу Бутуниттифоқ мусобақалари келаси йилдан бошлаб халқаро мусобақа бўлиб қолади.

РЕГБИ:

ЧЕМПИОН АНИҚЛАНДИ

Юрий Гагарин номли ҳарбий ҳаво академияси командаси регбичилари СССР XVIII чемпионати ғолиби бўлишди. Учувчи-регбичилар шу билан, олтинчи марта мамлакат чемпионатининг олтин медалларига сазовор бўлишди. Улар 21 учрашувда бор-йўғи уч марта ютказиб, уч марта дурангга эришдилар. Қолган учрашувларни ғалаба билан якунладилар. Киевнинг «Авиатор» командаси иккинчи, Тбилиси темирйўлчилари эса учинчи ўринга кўтарилишди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

кафедра мудири: халқ хўжалик корхоналари ва тармоқларини молиялаш;
кафедра доцентлари: КПСС тарихи (рус тилида);
кафедра катта ўқитувчилари: савдо экономикаси, товаршунослик ва савдони ташкил этиш (озиқ-овқат маҳсулотлари товаршунослиги фани бўйича), статистика, меҳнатни илмий ташкил этиш ва бошқариш (экономика ва меҳнатни нормалаш фани бўйича);
кафедра ассистентлари: КПСС тарихи (ўзбек тилида), статистика;
кафедра доцентлари ёки катта ўқитувчилари: марксча-ленинча фалсафа, саноат ишлаб чиқариши технологияси (енгил саноат технологияси ихтисоси бўйича), олий математика, меҳнатни илмий ташкил этиш ва бошқариш (меҳнатни илмий ташкил этиш ва бошқариш асослари фани бўйича), экономика ва моддий техника таъминотини планлаштириш, қишлоқ хўжалик экономикаси, эҳтимоллик назарияси, молия, халқ хўжалигини планлаштириш;
кафедра катта ўқитувчиси ёки ўқитувчиси: рус тили;
кафедра ўқитувчиси: жисмоний тарбия (кураш, енгил атлетика, ўқ отиш ихтисосликлари бўйича).

АНДИЖОН ШАҲРИДА

кафедра мудирлари: бухгалтерия ҳисоби, статистика ва молия;
кафедра доцентлари ёки катта ўқитувчилари: саноат иқтисоди, олий математика бухгалтерия ҳисоби, статистика ва молия (статистика, савдода бухгалтерия ҳисоби фани бўйича), тармоқлар экономикаси (халқ хўжалик тармоқлари экономикаси фани бўйича);
кафедра ассистенти: тармоқлар экономикаси (савдони ташкил этиш фани бўйича).

ҚУҚОН ШАҲРИДА

кафедра катта ўқитувчиси ёки ўқитувчиси: рус тили.
Конкурс муддати — 17 ноябргача.
Мурожаат учун адрес: 700063, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183 «а»-уй.

НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
1981—1982 ўқув йили учун
КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тингловчилар қуйидаги ихтисосликларга қабул қилинади:
узоқ тили ва адабиёти, миллий мактабларда рус тили ва адабиёти, математика, математика ва физика, умумий техника таълими ва меҳнат, педагогика ва психология (мактабгача тарбия), дефектология, музика ва ашула, расм ва чизмачилик, педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматларини ўтаб бўлганлар шу ташкилотларнинг йўлланмаси бўйича қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар йўлланма берган ташкилотда камида 1 йил узлуксиз меҳнат қилган бўлишлари лозим.

Кундузги ўрта мактабларни тугатганлар мактабни битиргандан кейин камида бир йил меҳнат қилган бўлишлари керак.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: тайёрлов бўлимига йўлланма, институт ректори номига ариза, ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), 8 та фотосурат (бош кийимсиз 3х4 см. ҳажмда), медицина справкаси (286 форма), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ташкилот раҳбари гасдиқлаган) характеристика (корхона раҳбари партия ёки комсомол ва касаба союз ташкилотлари томонидан берилган).

Тайёрлов бўлимига кирувчилар танлаган ихтисослигига қараб, ана шу ихтисосликлар учун асосий бўлган предметлар бўйича ўрта мактаб ҳажмида суҳбатдан ўтадилар.

Тайёрлов бўлимига қабул қилишда суҳбат натижаси, аттестатдаги баҳолар, умумий меҳнат стажи, ишлаб чиқариш характеристикаси кабидар эътиборга олинади.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар 40 сўм миқдорда стипендия, шаҳарда турар-жойи бўлмаганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Тайёрлов бўлимини тугатиб, битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширганлар кириш имтиҳонларисиз институтнинг кундузги бўлимига қабул қилинадилар.

Ҳужжатлар 10 ноябргача қабул қилинади, суҳбатлар 11 ноябрдан 20 ноябргача ўтказилади.
МАШҒУЛОТЛАР — 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.
Институт адреси: 700064, Тошкент шаҳри-64, Педагогика кўчаси, 103-уй, тайёрлов бўлими.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудири: қурилиш механиканси (профессор ёки доцент);
кафедра доцентлари: экономика, ишлаб чиқаришни планлаштириш ва ташкил этиш, олий математика;
кафедра доцентлари ёки ассистентлари: жисмоний тарбия ва спорт, графика, фалсафа;
кафедра ассистентлари: теплотехника, КПСС тарихи, физика (тайёрлов бўлимида ўзбек тилида машғулотлар олиб бориш учун), жисмоний тарбия ва спорт, йўллар ва йўл хўжалиги (2 ўрин);
Душанба ўқув-консультация пунктига графика бўйича КАТТА ЎҚИТУВЧИ;
Ахшобод филиалига назарий механика бўйича АССИСТЕНТ.
КОНКУРС МУДДАТИ — 1 НОЯБРГАЧА.
Ҳужжатлар институт ректори номига қуйидаги адрес бўйича юборилсин: Тошкент шаҳри: Л-45, Оборонная кўчаси, 1-уй.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/Х да Тўйдан олдин томоша.

●

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ХОРАЗМ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудирлари: рус тили, рус тилшунослиги, фалсафа, жисмоний тарбия, меҳнат таълими методикаси ва таълимнинг техник воситалари, рус тили ва адабиётини ўқитиш методикаси, КПСС тарихи, алгебра ва математика ўқитиш методикаси (фан доктори ёки кандидати).

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 740000, Урганч шаҳри, Х. Олимжон кўчаси, институт илмий секретари.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/Хда Келинлар кўзголони, 22/Хда Кузнинг биринчи куни (16.00).

ВАСҲНИЛ ўрта Осиё бўлимининг Узбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти коллективи институт катта илмий ходими, Улуг Ватан уруши ветерани, биология фанлари номзоди

Фаттоҳ ХАЛИЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Аҳоллилик билоси. Фильм-спектакль. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Хўжалик юритиш тажрибасидан. 16.05 — Усмирлар учун музикали программа. 18.20 — Фан оламида. 19.05 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Инсон ва қонун. 20.05 — Хавфли ёш. Бадиий фильм. 21.30—Время. 22.05 — Олам кинокамера кўзгусида. 23.15 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 ва 16.40 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 12.05 —Француз тили. 10.35 ва 11.35 — Тарих. 11.05 — Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари. 12.40 ва 13.40 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 13.10 — Шахмат мактаби. 14.10 — А. Фадеев. Тор-мор. 14.55 — Балет куйлари. 15.15 — Ўқув кўрсатуви. 15.45 — Физика. 16.15 — Н. Г. Чернишевский. Нима қилмоқ керак? 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Халқ рақс байрами. 21.00 — Илмий-оммабоп фильм. 21.15 — Мультфильм. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.15 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. АСК — МАСК.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Болалар учун фильм. 12.20 — Фильм-концерт. 12.30 — Ўзбек адабиёти. 13.00 — Сўнгги дақиқагача. Бадиий фильм. 14.30 — Совет Иттифоқи шаҳарлари туркумидан фильмлар. 18.20 — Мультфильм. 18.40 — Болалар учун концерт. 19.10 — Партия турмуши. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ижод саҳифалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон давлат симфоник оркестри ижро этади. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Далада ишлаётганлар учун концерт. 23.20 — Телефильм.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Эстетика асослари. 18.50 — Тренировка. Телефильм. 19.00 — Химия. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ўқитувчи экрани. 20.45 — Телевизион новеллалар театри. 21.30 — Москва — IV программаси.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек композиторларининг қўшиқлари. 9.35 — Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси «Жанговар» ансамблининг концерти. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Ем-хашак тайёрлаш кундалиги. 14.00 — «Оқ олтин» хирмонлари кўпайямоқда. 18.15 — Ёшлик. 19.25 — С. Юдаков. Симфоник поэма. 21.00 — Беруний номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига номзодлар. 21.10 — Фахру гурурим менинг. 21.30 — Механизаторлар учун концерт. 22.30 — Пахта йиғим-теримида қатнашаётган шаҳарликлар учун концерт. 23.15 — Лирик концерт.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-58-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02279. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 242.)4